O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVI

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 йил 12 сентябр, сешанба	№ 37 (189)	Сотувда эркин нархда

ТАДБИРКОРЛАРГА МАДАДКОР

Мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тадбиркорликни эркинлаштириш учун зарур ҳуқуқий пойдевор яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги тизимида тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси, вилоятлар адлия бошқармаларида бўлимлар тузилиб, малакали мутахассислар билан таъминланди. Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай асоссиз аралашув, ноқонуний текширишларга барҳам бериш, тадбиркорларни қонун асосида ҳимоя қилиш адлия идораларининг асосий вазифаларидан бўлиб қолди.

Бу борада Андижон вилоятида ҳам талайгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашда барча имконият ва ҳуқуқий воситалардан самарали фойдаланилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларга шартномавий муносабатлар, айниқса ички хўжалик шартномалари бўйича ҳуқуқий ёрдам беришни талаб даражасига етказиш кун тартибида турибди.

Вилоят адлия бошқармасининг ташаббуси билан ташкил этилган йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида бошқарма ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий муносабатларнинг бажарилиши ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш юзасидан бажарилган ишлар, белгиланган тадбирлар ҳамда режаларнинг бажарилиши ҳақида сўз юритилди. Эътиборли томони шундаки, йиғилишда бажарилган ишларни бирма-бир айтишдан кўра, қилинажак ишларнинг изчиллигини таъминлашга эътибор қаратилди. Қонунчиликка риоя этиш барчанинг бурчи эканлиги уқтирилди.

Вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи А. Юсупов кўпчиликнинг мулоҳазаларидан сўнг мақсадни янада лўнда тарзда, аниқ мисоллар билан ифода этди.

Йиғилишда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан тадбиркорлар ва хўжаликларнинг маъсул ходимлари иштирок этдилар.

А. ҚУРБОНОВ

Муносабат

ЁВУЗЛИКНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛАДИ

Маълумки, халқаро терроризм ва экстремизм Конституцияда эътироф этилган ва кафолатланган ижтимоий муносабатларнинг негизига таҳдид солувчи, зўравонлик ва одамкушликдан, қабоҳат ва разолатдан иборат хатти-ҳаракатдир. Экстремистларнинг мақсади давлат тузумига таҳдид солиш, зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллашга интилиш, одамларни ўлдириш, ўта муҳим давлат объектларига жиддий шикаст етказиш каби ваҳший ҳаракатлардан иборат. Улар одамлар ўртасида миллий ёки диний масалаларда низо чиқаришга уринишади, давлатни заифлаштириш мақсадида турли объектларни, саноат, транспорт корхоналарининг ишини мажбуран тўхтатиб қўйишга, ҳокимият органларига қуролли қаршилик кўрсатишга — оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришга ҳаракат қилади.

Халқаро терроризмга қарши курашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Хавфсизлик кенгаши бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Чунки қўпорувчиларнинг ваҳшийликлари улар қадам босган жойларда қонли изларни қолдирмоқда. Масалан, Германияда Яқин Шарқдан келган муҳожирларга, айниқса, туркияликларга нисбатан содир этилган террорчилик ҳаракатлари, Италиядаги "Қизил бригадалар" деб аталмиш террорчилар томонидан содир этилган жиноятлар инсоният ёдидан кўтарилгани йўқ. Жазоирдаги "Ислом жабҳаси", Мисрдаги "Мусулмон биродарлар", Ливандаги "Ҳезбуллоҳ" каби бирлашмалар, "Исломий жиҳод" ва "Ҳамаз" сингари ташкилотларнинг кирдикорлари ҳам жаҳон жамоатчилигига яхши маълум.

Экстремистик ҳаракатлар халқларнинг тинч ҳаётига таҳдид солади. Афғонистондаги, беқарорлик бугун Марказий Осиёдаги минтақавий ҳолатга, жумладан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиз ва жаҳон халқлари қалбини ларзага солган 16 феврал воқеалари бунинг исботидир. Ана шу мудҳиш ҳаракат туфайли тинч-осойишта Тошкент кўчаларида портлашлар содир этилди, инсон қони тўкилди. Экстремистларнинг ваҳшийлиги туфайли бир неча оила жабр кўрди, бегуноҳ гўдаклар етим бўлиб қолишди. Улар келтирган жароҳат ҳали-ҳали халқимиз қалбини қаҳру ғазабга солмоқда.

Ишончли маълумотларга қараганда, Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларига қонли оёғини қўйган босқинчилар орасида ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманларида юз берган қонли воқеаларда иштирок этган террорчилар ҳам бор экан. Афғонистон ҳудудида ҳар томонлама тайёргарликдан ўтган жангарилар замонавий қурол-яроқлар билан яхши таъминланганлар. Бутун дунё афкор оммасининг лаънатига қолаётган бу қузғунлар халқаро миқёсда уюшиб, дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу нуқтасида тинч ва бегуноҳ аҳолининг ҳаётига таҳдид қилишга уринаётганлиги республикамиз аҳолисини ниҳоятда нафратлантирмоқда.

Жангариларнинг Ўзбекистонга суқилиб киришларидан мақсади наркобизнес моддалар ва қурол-яроғ олиб ўтишни йўлга қўйишдир. Лекин ватангадо, жирканч, тажовузкор унсурлар бу каби ёвуз ниятларига ета олмайди. Дарҳақиқат, мудҳиш ниятда Узун ва Сариосиё туманларидаги тоғларга кириб олмоқчи бўлган босқинчиларга қақшатқич зарба берилиб, уларнинг пайи қирқилди.

Мана шундай бир вазиятда она тупроғимизнинг ҳар бир қаричини авайлаб асрашимиз, юртбошимиз атрофида янада жипслашиб, азиз Ватанимизни, жонимизни фидо қилиб бўлса-да, ҳимоя қилишимиз, босқинчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлган асл йигитларимиздан ибрат олишимиз зарур. Чунки Ватанни асраш эртанги кунимизни, келажагимизни — Ўзбекистонимизни асраш демакдир.

Халқаро терроризмга қарши кураш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун дунё халқлари терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига қақшатқич зарба беришлари, террорчиларга қонун асосида қаттиқ жазо беришлари лозим.

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ...

Куни кеча мамлакатимиз Президентининг "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги Фармони шу куннинг энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, ҳамма кутган ҳужжат бўлди дейишимиз мумкин. Унинг эълон қилинишидан мақсад бундан буён беҳуда қурбонлар бермаслик, қўшни давлатлар ҳудудига турли сабаблар билан бориб қолган, оғир жиноятлар содир этишда бевосита иштирок этмаган шахсларнинг ўз Ватанига, қавм-қариндошлари бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришлари учун яна бир имкон яратиб беришдир.

Шарқда азал-азалдан раҳмдиллик, кечиримли бўлиш юксак фазилат саналган. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши юртимиз раҳбарининг ўз адашган фуқароларига нисбатан бағрикенглиги, оталарча мурувватидан далолатдир. Инсонпарварлик руҳи билан суғорилган Фармон тақдир тақозоси билан, бирови тижорат умидида, бирови иш излаб, Тожикистон, Афғонистон ёки бошқа давлатларга бориб қолган, охир-оқибат тўғри йўлдан адашган юртдошларимиз тавба-тазарру қилиб келса, уларнинг хавфсизлигини кафолатлайди. Буни ҳар биримиз тўғри тушуниб, унинг асл моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилишимиз лозим.

Ватан битта бўлгани каби Ўзбекистон ҳам биттадир. Шу боис мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун энг мақбул йўл танланди. Дунёни жаҳолат ва ваҳшийликдан маданият ва маърифат қутқаради, миллий ва диний экстремизмдан, этник қарама-қаршиликлардан, минтақавий можаро ва урушлардан сақлаб қолади.

Турсунбой МИРЗАЕВ,
юридик фанлар номзоди

Огоҳлик ва яна огоҳлик!

ТАРТИБ ВА ТАДБИР

билан курашамиз, элимизга хизмат қиламиз, - дейди Ғиждувон туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Бахшулло Самадов.

- Бахшулло Розиқович, бугун катта-кичикка маълумки, огоҳликка даъват, деган сўзлар шунчаки шиор эмас, балки ҳаётимизнинг мазмуни, орзу-ниятларимизнинг рўёбга чиқиши билан боғлиқ аҳамият касб этади. Менимча, ушбу маъно-мазмун барчани бирдек масъулликка чорлайди, айниқса, милиция ходимларини...

- Тинчлигини, ҳаловатини йўқотган киши аввало милицияга мурожаат этиши одат тусига кириб қолган. Ҳар бир касбнинг аниқ вазифаси, бўлгани каби бугун милициянинг вазифаси ҳар қачонгидан ҳам аниқ, тезкор, фаол жабҳага кирди. Мустақиллигимизнинг илк даврларидаёқ соҳамиз тубдан ўзгара бошлади: ўз қиёфаси, аниқ мақсадига эга бўлган ўзбек милицияси мазмун-моҳият жиҳатидан янгиланди.

Вазифаларимиз осон эмас. Шу соҳага қадам босган киши теран англаши керакки, барча оғирчиликларга чидаса, машаққатли йўлни босиб ўтишга ярасагина "Мен милицияда ишлайман" деган оддий каломни айтишга лойиқдир у. Огоҳлик, огоҳликка даъват каби бугуннинг ҳушёр талабига келсак, юртимиз, халқимизнинг тинчлигини ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Эркозодлигимизни манфур ниятли кишиларнинг ҳужумидан, турли тажовузларидан ҳимоя қилишга муносиб куч-қудрат, тажрибага эгамиз. Халқимиз бизга ишонади. Ана шу ишончни суиистеъмол қилмаслик учун ҳар қандай хизматни бажариш, бало-қазоларга тик бориш бурчимиздир.

- Маълумки, ҳар қандай муаммо — қийинчиликлар, қора ниятли кишиларга қарши курашиш тадбир билан, кенгаш билан амалга ошади.

- Тўғри, тадбирсиз иш юришмайди, айниқса, милициянинг аниқ режаси бўлмаса, сиз айтган мушкулотлар осонликча чекинмайди. Туманимизда қатор тадбирлар (диний экстремизмга қарши кураш, огоҳликка даъват...) доимий суратда аниқ режа асосида олиб борилаяпти. Тезкор вазиятни барқарор сақлаш, террористик ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан "Антитеррор" тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу тадбир натижаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш, жалб этилган куч ва воситаларни бошқариш мақсадида туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Н.Жумаев бошчилигида тезкор штаб тузилди. Шахсий таркибимиз тўла казарма ҳолатига ўтказилди. Тадбирга 113 та ходим ва тўртта автотранспорт жалб этилган. Энг муҳими, тадбирда иштирок этаётган маҳалла посбонлари, участка нозирлари, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари - ҳар бир ходим ишнинг, вақтнинг, топшириқ ва бугунги кун моҳиятини чуқур англагандагина самарадорликка эришиш мумкин. Биз асосий эътиборни шунга қаратиб, жойларда аҳоли билан йиғилишлар ўтказиб, фикр алмашаяпмиз, таклифларни ўрганиб, муҳимларини жойида қўллаяпмиз.

- Президентимизнинг огоҳликка даъват борасидаги кўрсатмаларида катта ҳикмат борки, назаримда биз буни вақтида англамагандекмиз...

- Мустақиллик йўлидаги ҳар бир ютуқ, халқимизнинг янгиликлар билан бойиб бораётган турмуш тарзи, маънавият, маърифат борасидаги тикланишлар, тарихий ҳақиқатларнинг асл қиёфаси очилгани сайин ватанфуруш сотқинлар ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш тутмоқдалар. Табиатан меҳнаткаш, эзгуликка мойил, бунёдкор элимиз осойишта ҳаётга кўниккан эди. Чунки ортида суянадиган содиқ Юртбошиси, куч-қудратга тўлиб улғаётган мустақил давлат турган эл эзгуликка, фаровонликка дахлдордир. Албатта, уч-тўртта нопок, нияти қора гуруҳларнинг бузғунчилиги барчамизни ҳушёрликка чорлагани рост.

- Шундай пайтда биз билан бирга яшаб, қонунларимиз, осойишта ҳаётимиз имконларидан тенг баҳра олаётган айрим юртдошларнинг турли қонунбузарликка йўл қўйиб, аҳилликка, осойишталикка раҳна солаётганига сира тоқат қилиб бўлмайди. Масалан, юртимиз бойликларини арзон-гаровга яширинча сотаётган ёки жиноят содир этиб, қочишга, яширишга уринаётганлар йўқ дейсизми?

- Яқинда Навоий тоғ-металлургия комбинати директори Н.Кучерский вилоят ИИБга хат билан мурожаат этди. Хатда номаълум шахслар Зафаробод қўрғони ҳудудидан Навоий-Зарафшон-Учқудуқ йўналиши бўйича ўтувчи юқори кучланишли электр тармоқларининг устунларини мустаҳкам тутиб турувчи темир бурчак (уголник)ларни кесиб кетишаётгани билдирилади. Эътибор беринг: ушбу жиноятни майда тартиббузарликка тенглаштириб бўладими? Ахир, буни иқтисодий қўпорувчилик, мамлакат иқтисодига катта зиён етказишдан бошқа яна нима деб аташ мумкин?!

Олиб борилган қидирувлар натижасида Шокир Шодмонов, Эргаш Ражабов далилий ашёлар билан қўлга олинди, улар жиноят устида ушландилар. Бири чўпон, бири якка тартибда ишловчи бу йигитлар ўз халқи, Ватанига айни фойдаси тегадиган, зарур пайтда шармандали йўл танладилар, яъни борни йўқ қилишга уриндилар...

- Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деган нақл бор. Юқорида сиз номларини жиноятчи сифатида тилга олган йигитларга тенг ёшда шаҳид кетган ғиждувонлик Ғофуржон Ражабовни эслагим келади. У мамлакатимиз жанубига суқилиб кирган ваҳший тўдаларга қарши курашди, ортида Ватан, отаонаси, дўстлари борлигини унутмади...

- Ғофуржон Ражабов билан фахрланамиз. Унинг 25 йиллик қисқа умри Ватан тарихига шараф билан битилди. Орзулари кўп эди унинг. 20 сентябрда уйланиши, ойдек бир келинчак Зойир ака Ражабовлар хонадонини нурга, бахтга тўлдириши кутилмоқда эди. Халқ, Ватан, Президентимиз олдидаги қасамёдга содиқ қолган Ғофуржоннинг ҳаёти тенгдошларига ибрат бўлиб қолди. У юртимиз жанубига жанговар топшириқ билан юборилгунча ИИВ ҳарбий билим юртида бўлажак офицерларга жисмоний тайёргарлик ва спортдан сабоқ берарди. Самбо бўйича спорт устаси Ғофуржоннинг орзулари энди бўй чўзаётган эди...

- Сиз Ғофуржон Ражабов каби қаҳрамон йигитларнинг ҳаёти тенгдошларига ибрат — мактаб бўлиши керак, деб жуда тўғри эслатдингиз. Умрни, шиддатли ёшлик онларини енгил-елпи орзу-ҳавасларга бағишлаб, охирида афсус чекаётган ёшларга фақат ачинасан, киши.

- Ичкиликка, енгил-елпи пул топишга ружу қўйган, ҳаётнинг қадрига етмайдиган ёшларни ўз-ўзига душман, дегим келади. Яқинда уч нафар фарзанднинг отаси (1969 йилда туғилган) Одил Бафоев тўйда ҳаддан зиёд ичиб, маст ҳолда уйига қайтаётиб, йўлда ўхлаб қолади. Номаълум автомашина Одилни бош қисмидан босиб кетади, натижада у воқеа жойида вафот этади. Марҳумнинг жасади 02^{30} дан 05^{00} гача йўлда ётса-да, бирор киши ИИБга хабар бермайди. Саксонга яқин ходим жалб этилди, соат 12 гача жиноят очилди. Ислом Бозоров ўзининг ВАЗ 2106 русумли 20 С 7902 давлат белгили автомашинасида жиноят содир этиб, воқеа жойидан қочиб кетса-да, ходимларимизнинг астойдил ҳаракатлари туфайли тезда ушланди. Ачинарлиси, Ислом Бозоров жиноят содир этганида турмуш ўртоғи ҳам ёнида бўлган, эр-хотин қилмишларини яшириб, жазодан қутулиш мақсадида қочганлар...

Бундай мисоллар кўп. Истар эдимки, билиб ёки билмай жиноят содир этган фуқаро ўз ҳаракатига тўғри баҳо бериб, атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлса. Мардлик деган тушунчадан узоқлашмаса. Ахир, бировни ўлдириб қаёққа қочасан, айби нима унинг, марҳумнинг ўрнида ўзинг ёки яқинларинг бўлиши ҳам мумкин эди-ку? Адолатга яқинлаштирувчи, жамиятни покловчи даъваткор саволу сўроқлар, инсоф ҳар бир фуқаронинг онгида, қалбида кечсин, бунга барчамиз амал қилайлик.

Суҳбатдош:
Ражаббой РАУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

БУГУНГИ СОНДА:

ОҚ ҚОҒОЗДАГИ МУҲР

3-бет

Ҳужжатлар қалбакилаштирилган экан, бунинг учун аввало шу ишга йўл очган, оқ қоғозга муҳр босиб берган фирма директори жавоб бериши керак эмасми? Нега у ҳеч бир асоссиз, оқ қоғозга муҳр босиб беради? Бу билан у юқоридаги "жиноий" ишнинг асл сабабчиси бўлмадими?

Мухбиримиз бонг уради

ИЖАРАЧИЛАР ДОҒДА ҚОЛИШДИ

ёки тадбиркорликка, янгиликка олтинсойчасига муносабат

Замон ҳам, одамлар ҳам ўзгарди. Инчунин, ҳозир кундузи чироқ ёқиб ҳам бундан беш-ўн йил бурунги анойи одамларни топиш мушкул. Чунки бугуннинг одамлари "Бўл тайёр!" дейилса, "Доим тайёр" дея сакраб тек қотадиган қашшофлар каби эмас. Балки ишчининг ҳам, деҳқоннинг ҳам дунёқараши, ҳуқуқий онги тобора шаклланиб бораётир. Ушбу ижтимоий бедорликни фақатгина пойтахту унинг атрофида тараққиёт билан ҳамнафас яшаб келаётган илғор фуқароларда эмас, балки олис Сурхон воҳасининг чекка, шимолий тумани аҳолисининг суврату сийратида ҳам кўрмоқ, илғамоқ мумкин.

Олтинсой ўз номи билан Олтинсой. Айни чоғ туманнинг боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликларига сафар қилсангиз, ширин-шакар меваларидан новдалари мажнунтолдек осилиб ётган олмазору шафтолизорлар, олхўризору олчазорларга кўзингиз тушади. Олтинсойда узумлар аллақачон ғарқ пишган. Ҳар гужумлар, ҳар битта шингил марвариддек товланади. Аммо... Айни чоғ ана шу узумзорларнинг эгаси йўқ. Янаям аниқроғи, эгаси анча-мунча кўпайиб қолган. Бир эгаси жамоа ва ширкат хўжаликлари бўлса, яна бир эгаси вилоят "Мевасабзавотхолдинг", тағин бир хўжаси ҳокимлик бўлса, яна бир эгаси замону даврларнинг ўзгаришларидан кўзи очилиб, ҳақ-ҳуқуқи учун талашиб-тортишаётган "Обид кетмон" боғбонлар. Бу йилги ҳосил чўғи жуда баланд. Қизиқ, узумзорлардан келажак мўмай даромад кимга насиб этар экан?

Биз туман миқёсида хўжалик раислари ва ижарачи боғбонларнинг ўртасидаги келишмовчиликларга батафсил тўхталиб ўтирмаймиз. Балки уч ойдирки, таҳририятимизга шикоят ёзиб, Олтинсой-Термиз-Тошкент-Олтинсой йўналишлари бўйича бўзчининг мокисидек бориб келаётган "Шакарқамиш" ширкат хўжалиги ижарачиларининг ариза-мактублари (унга қирқ киши имзо чеккан) ҳақида холисанилло фикр юритамиз.

"Шакарқамиш" жамоа хўжалиги бошқаруви йиғилишининг 1998 йил 1 декабр 9-сонли қарорига кўра, хўжаликка қарашли 72,02 гектар токзор 76 ижарачига тақсимлаб берилганди. Бу хайрли иш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Адлия вазирлигининг ўзаро келишилган намунавий шартномаси асосида амалга оширилган эди. Аммо асосий жиловни маҳкам тутиб турган хўжалик бошқаруви муғомбирлик билан 10 йил эмас, балки "эҳтиёт шарт" бир йил учун ижара шартномаси тузади. Ваҳоланки, намунавий низомга мувофиқ ижара шартномаси ўн йилдан кам бўлмаган муддатга тузилиши ва бу ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эди. Буни илғаш учун ижарачиларда ҳуқуқий савод етишмади. Хўжалик раиси Абдухолиқ Қосимов ва бошқа раҳбарлар учун эса ижара шартномасининг атиги бир йилга чала-чулпа тузилиши айни муддао эди. Хўжалик бошқаруви шу бир йил ичида "ижара усулидан қандай натижа бўлар экан", деб обдон кузатди. Айтиш жоизки, бундан хўжалик ютса ютдики, зиён кўрмади. Чунки ижарачилар колхоздан пул ҳам, ўғит ҳам, техника ҳам, ҳеч бир ёрдам сўрамай, токларни парвариш қилишди. Бола-бақраси билан ҳамжиҳат ишлашиб, хўжаликка ҳам, ўзларига ҳам мўмай даромад келтиришди. Ҳаттоки, биз билан суҳбатларда раис ҳам, бош ҳисобчи ва иқтисодчи ҳам шуни очиқ эътироф этишдики, ижарачиларга берилган ҳар бир гектар узумзор хўжаликка қарашли бўлган бригада токзорларидан кўра кўпроқ иқтисодий наф келтирди. Энг муҳими, жамоа хўжалиги ижарачиларга ҳеч бир ёрдам кўрсатмаса-да, ижарадан мўмай даромад кўрди. Савол туғилади: унда нега раис ва унинг ҳамфикрлари бугун тиштирноқлари билан ижара услубига қарши туришибди?

- Чунки бизнинг ва хўжаликнинг кўрган даромадларимиздан амалдорларга заррача наф йўқ, - дея фигонларидан дуд чиқади ижарачиларнинг. - Шу кеча-кундуз хўжаликлардан ўғринча узум юклаш компанияси авж олади. Ширин-шакар узумлар ортилган юк машиналари тўппа-тўғри Россиянинг катта-кичик бозорлари томон равона бўлади. Бунинг ҳузурини фақат катталар кўришади... Илтимос, фамилиямни ёзманг, туғилган жойимда кексайган чоғимда тинч яшашни истайман.

***

- Бу йил барча колхозлар ширкат хўжалигига айлантирилди, узумчилик ва боғ билан шуғулланаётган бригада-ю, ижарачилар, оилавий пудрат шаклида фаолият юритишади, - дейди Олтинсой тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустам Алимов.

- Нега ижара усулидан воз кечаяпсизлар?

- Чунки ижарачилар ижара пулини жамоа хўжалигига тўлаганидан сўнг ҳосилни тумандаги қайта ишлаш корхоналарига топширмай, дуч келган харидорга сотадилар. Оқибатда хомашё йўқлигидан вино-ароқ заводлари ишсиз қолиши мумкин.

- Менга қолса-ку, ижара усули маъқул эди. Ижарачининг бирортаси ҳам бирор нарса сўраб идорамга келмайди. Тинчгина раислигимни қилиб юрар эдим. Аммо "юқори"дан "Ширкат хўжалиги бўлдингми, ёппасига оилавий пудратга ўтиб ишлайсанлар" деб қўйишмаяпти-да.

- "Юқори" деганингиз кимлар?

- Масалан, ҳоким... прокурор ҳам "ижара шартномаси тузмайсан ҳеч ким билан, фақат пудратда ишлайсан" деган.

- Ахир, сизларга тўғридан-тўғри буйруқ ва кўрсатма беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ-ку, раис бобо?

- Энди... нима қиласиз, раҳбар - раҳбар-да!

Раис Абдухолиқ Қосимов билан бўлган узуқ-юлуқ суҳбатдан сўнг унинг ҳузурига прокурор Нуриддин Ҳусанов билан бирга бориб масалага ойдинлик киритдик. Прокурорнинг "боғбонлар билан ижара шартномаси тузмайсан" деган "оғзаки буйруғи" бўлмаганлиги, бу гап раиснинг бўҳтони эканлиги маълум бўлди. Шу тариқа туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Р.Алимов ҳам "мен бундай мазмунда қатъий буйруқ ва кўрсатма бермаганман, бермайман ҳам. Хўжаликнинг ички ишларига аралашмайман" дея раиснинг важ-карсонларини йўққа чиқарди.

- Нега Олтинсой туманидаги бир неча хўжаликлар ижара усулида ишлашни, яъни токзорларни боғбонларга ўн йиллик шартномага кўра ижарага беришни афзал билишаяпти-ю, айнан "Шакарқамиш" ширкат хўжалиги бошқарувига бу усул маъқул эмас.

- Ижара усули оилавий пудрат усулига қараганда ҳар жиҳатдан афзал ва устун, - дейди биз билан суҳбатда "Олтинсой" ширкат хўжалиги раисининг муовини Амиркул Тўраев. - Биринчидан, ижара шартномаси тузган боғбонлар ва тадбиркорлар турли масалада ёрдам сўраб колхозни безор қилмайди. Балки ўзлари имконият излашади. Иккинчидан, пудрат усулида ёки бригада шаклида ишлаган соҳибкорлар келтирадиган даромаднинг харажати деярли баробар тушади. Чунки айни пайтда хўжаликнинг техника ёки ўғит, маблағ ва бошқа томонлама ёрдам бериш имконияти йўқ ҳисоби. Ана шу жиҳатдан олганда, бошқаларни билмадиму аммо бизга ижара шартномаси усулида иш юритиш ўнғай.

Изоҳ: эътиборингизга туман ҳокими ҳамда оддий деҳқон билан ҳар куни ёнма-ён юрадиган хўжалик раиси муовинининг фикрларини ҳавола этдик. Қайси фикр ҳақиқатга яқин, ўзингиз хулоса чиқараверинг. Мантиқан ўйлаб кўрилса, ижарага берилган токзорларнинг аксарияти "тойфи" навли узумларни ташкил этади. "Тойфи" навли узумни винзавод қабул қилмайди. Балки унинг харидорлари совуқ иқлимли Россиянинг шаҳар ва қишлоқларида сероб. Туман ва хўжалик раҳбарларини ижара шартномаси тузмаётганликларига асосий сабаб бўлаётган нарса балки айнан шудир! Чунки хўжалик билан оддий ижарачининг ҳамёни семириб, манфаат кўришидан ҳокиму раисларга нима фойда? Борди-ю, токзорлар пудрат усулида умуммулк бўлиб турса, у ҳолда харидоргир узумни, жумладан, "атиргул тусли" тойфини бемалол транспортларга юклаб, "эгаси"га пуллаш мумкин. Хуллас, бу йил катталарнинг омади келди. Ижарачи деҳқонларнинг арзу додига на ҳокимият, на ҳуқуқ идоралари ҳеч ким қулоқ солмади. Тер тўкиб, ишлов берилган токзорлар бир йилдан сўнг ижарачилардан олиб қўйилди.

(Давоми 4-бетда)

ХОРАЗМ – МОЗИЙНИНГ ҲОЗИР ОРАЗИ...

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРГА ТЎҒАНОҚ БЎЛМАНГ

Тадбиркорликка кенг йўл очилган жойда турмуш фаровон бўлади, моддий бойликлар яратиш миқёслари ортиб, бозорлар тўлиб-тошади, ишсизлик, қўнимсизлик барҳам топади. Тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилнинг 17 февралида "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида" Қарор қабул қилди. Ушбу Қарорнинг ижроси билан боғлиқ ташкилий-назорат юмушларининг аксарият қисми Республика Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари зиммасига юклатилди.

Ўрта ва кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний фаолиятини ҳимоя қилиш бошқармамиз ва унинг таркибида юзага келган янги бўлим олдидаги асосий вазифадир. Мазкур бўлим бошқармамиз таркибида ўз фаолиятини апрел ойида бошлаган эди. Қисқа вақт ичида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ҳозир вилоят бўйича 20 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шундан фермер хўжаликлари 2676 та, деҳқон хўжаликлари 1147 та, микрофирмалар 7121 та, ўрта тадбиркорлар 247 та, якка тартибда фаолият кўрсатаётган ишбилармонлар эса 11289 тани ташкил этади. Тадбиркорликка энди киришаётган ва уни орзу қилаётганлар ҳам оз эмас.

Бошқармамиз фақатгина сўнгги уч ой ичида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уни ҳимоя қилиш бўйича 3 та тадбир ўтказди. Юридик шахс мақомига эга 2000 тадбиркорга текширишларни рўйхатга олиш китоблари тарқатилди. Шунингдек, 2 нафар юридик шахснинг тадбиркорликка оид ҳуқуқлари бузилаётганлиги бўйича судларга даъво аризалари билан мурожаат қилиниб, уларга етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Айни пайтда ўтказган тадбирларимиз якунларига кўра шаҳар ва туман ҳокимлари номига 4 та, прокуратура идораларига 2 та тақдимнома, Республика Адлия вазири ва вилоят ҳокимига эса 14 та ахборотномалар юборилди. Шуни таъкидлаш зарурки, ҳар битта қонунбузарлик ҳолатида мутасадди мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати турибди. Масалан, гурланлик тадбиркор аёл Т. Давлатованинг қонуний фаолияти шу туман солиқ инспекцияси масъул ходимлари томонидан поймол этилади. Биз шу факт бўйича судга даъво аризаси йўлладик. Янгибозор туман судининг ҳал қилув қарорига кўра айбдорлар тегишли жазосини олишди. Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар тўла ундирилди.

Ҳузуримизга мадад ва паноҳ излаб келаётганларнинг талаб ва илтимосларини имкон қадар тўла қондиришга ҳаракат қилаяпмиз. Жумладан, Хива туманидаги Рўзмат Мадаминов номли жамоа хўжалигида туман ҳокими томонидан тортиб олинган 5,7 гектар экин майдони "Олтиной" деҳқон фермер хўжалигига, Қўшкўпир туманидаги "Тошкент" жамоа хўжалиги раиси томонидан олиб қўйилган чорва фермаси тадбиркор Юсуфбой Полвоновга қайтариб берилди. Хонқа туманидаги "Саодат" фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиб бериш, Янгибозор туманидаги "Халқобод" ширкат хўжалигида яшовчи Бахтиёр Бобожоновнинг хусусий фермер хўжалиги очиш, Шовот туманидаги "Вали-оталиқ" кичик корхонаси раҳбари Омонбой Ўрозовга қарашли автомашина ҳужжатлари "Ўзавтодарётранс" агентлиги ходими Ш.Нуруллаев томонидан қонунга хилоф тарзда тортиб олиниши фактлари бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Яна бир нарсани тан олмоқ зарур. Шикоятбозлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Баъзи шикоятлар одамлар орасида ҳуқуқий билим ва маданиятнинг етишмовчилиги натижасида юзага келса, яна бир қисмига фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари айрим мансабдор шахслар томонидан поймол этилаётгани сабаб бўлмоқда.

Гурлан туманидаги И.Холматов номли ширкат хўжалиги бошқаруви фуқаро Шарифа Собировага туман ҳокимининг қарорига мувофиқ фермер хўжалиги ташкил этиш учун 1994 йилдаёқ ер участкаси ажратиб берган эди. Бироқ, 1996 йилга келиб, мазкур ер майдони тадбиркор аёлдан тортиб олинган ва "Кимошди" савдосида сотиб юборилган. Фермер хўжалиги эса тугатиб қўя қолинган. Биз мазкур хатти-ҳаракатнинг қонунийлиги юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилдик. Хонқалик тадбиркорлар — Алексей Пак, Нуриддин Алимов ҳам орадан қарийб 2 йил ўтгандан сўнг ўзлари тўлаган ноқонуний солиқни қайтариб олдилар.

Текширишлар давомида "Тадбиркорбанк"нинг Янгиариқ туман бўлими ва шу туман Меҳнат биржаси тадбиркорларга ўз зуғумини ўтказаётгани аниқланди. Шу йилнинг атиги битта чораги мобайнида ҳар иккала ташкилот тадбиркорлар фаолиятини режадан ташқари 33 марта текшириб, бу борада бошқаларга "ўрнак" бўлган. Қонун бундай ноқонуний-ликни кечирмайди. "Тадбиркорбанк"нинг туман бўлими ва Меҳнат биржаси раҳбарлари С.Рўзиматов ва А.Ибодуллаев суд қарорига мувофиқ каттагина миқдорда жарима тўладилар.

Янги тадбиркорлик субъектлари очилиши масаласи уч кун ичида ҳал этилиши лозим. Аммо жойларда қонуннинг бу талабига ҳам тўла риоя этилмаяпти. Хусусан, Гурлан ва Хонқа туманларида бу ҳолни кўпроқ кузатиш мумкин. Янги тадбиркорлик субъектларини расмийлаштириш масаласи маҳаллий тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палаталари орқали ҳал этилаётганлигининг ўзиёқ тегишли ҳокимликларнинг ўз ишига панжа орасидан қараётганлигини кўрсатади. Яна бир ғалати ҳолат: ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Гурлан тумани бўлими банкда юридик шахсларнинг жорий ҳисобини очиш учун улардан мунтазам суратда "Рўйхатга олиш анкетаси"ни расмийлаштиришни талаб қилиб келган. Бу билан ҳам чекланилмай тадбиркорлик гувоҳномаси, фуқаролар йиғини баённомаси ҳам талаб этилган. "Тадбиркорбанк"нинг Хонқа туман бўлими эса "Раҳимбой", "Ҳамид", "Алишербек" деҳқон-фермер хўжаликлари эгаларини талай нокерак ҳужжатларни тўплашга мажбур этган. Зарурати бўлмасада, тадбиркорлардан турли ҳужжатларни талаб қилиш каби расмиятчиликка туман ҳокимлигининг ўзи ҳам йўл қўяётгани айниқса, ачинарлидир.

Мулкчилик ва манфаатдорликка путур етказаётган камчиликлар чиндан ҳам оз эмас. Аммо ижобий ҳолатларнинг ҳам сезиларли тарзда кўпаяётганидан қалбимизда умид уйғонади. Энг муҳими, биз ҳуқуқшуносларнинг саъй-ҳаракатлари, халқимизнинг хоҳиш-иродасини йўлбошчимиз, ҳукуматимиз қўллаб-қувватлаяпти. Адлия вазирлиги ва вилоят ҳокимлигининг кўрсатмасига мувофиқ тадбиркорлар, барча фуқароларга апрел ойидаёқ ўзимизнинг "Ишонч телефон"ларимизни эълон қилган эдик. Тадбиркорлик, ишбилармонлик муаммоларига дахлдор бир қанча талаб, таклиф ва шикоятларни ана шу "Ишонч телефон"лари сабаб ҳал этишга муваффақ бўлдик.

Тадбиркорнинг ҳуқуқий савиясидан кўп нарсани кутса бўлади. Жойларда хусусий тарзда иш кўрувчи юридик ва жисмоний шахслар билан ўтказилаётган юзма-юз мулоқотлар ҳуқуқий билим ва дунёқарашнинг ортишига кўп жиҳатдан ёрдам бераяпти.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, масъулият, талабчанлик, ҳалоллик, куч ва ирода бор жойда жамики ишлар олға силжийди, ютуқлар кўпаяди, пировард мақсадлар рўёбга чиқади. Зеро, бизнинг ниятимиз халқимиз хоҳиш-иродасини собит туриб рўёбга чиқармоқдир.

Қаҳрамон ИСАРОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Истиқлолимизнинг 9 йиллиги айёми куни Хива тумани аҳолисининг қувончи беҳад тўлиб тошди. Шу куни коллеж, миллий банк ва туман давлат солиқ инспекцияси бинолари улар ихтиёрига топширилди.

-Бу иншоот вилоятимизда ҳам, республикамизда ҳам солиқчиларга ҳадя этилган ягона бинолардан биридир. Ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Катта ғамхўрликлар учун Президентимизга, қурувчиларга раҳматлар айтамиз. Ҳудо хоҳласа, йил охирига бориб яна бир туман солиқчилари учун шундай бинони барпо этишга киришамиз. Бунинг учун катта имкониятлар мавжуд. Маблағ етарли,- деди биз билан суҳбатда Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Исмат Қўзиев.

Бундай сўзи билан иши бир раҳбарларга хоразмликлар ишонади ва хайрли ишларни қўллаб-қувватлайди.

Суратларда: 1. (чапдан) Туман солиқ инспекцияси бошлиғи Баҳодир Юсуповга қурувчи Қадамбой Оллоберганов бинонинг рамзий калитини топшириши пайти.

2. Жамила Мадраимова, Аннабиби Жуманиёзовалар солиқ тушумларини янги ишхоналарида ҳисобга олишаяпти.

3. Солиқ тушумларини белгилаш ва ҳисобга олиш бўлими бош инспектори Нодира Отажонова.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Ҳаёт ажойиб ўқитувчи: иншо ёздиради, ўзингга текширтиради, баҳони эса бошқалар қўяди. У ҳеч кимга ё унвон, ё гувоҳнома бермайди. Фақат баъзи ўқувчиларгина "чипта"ни ўзлари ясаб олишади, ёнверидагиларни алдаб — инонтириб юришади. Ҳаёт эса бир кулиб қўйиб, ўзининг абадий иншосини давом эттиради. Ўзингга текширтиради. Баҳони бошқалар қўяди...

Омон МАТЖОН,
"Қуёш соати" китобидан

Тўйхат

ЗАМИНДАГИ ИЗЛАР



Ҳали кўпчилик олдида танилиб улгурмаган кезлардаёқ одамлар унинг исмига "уста" сўзини қўшиб айтишарди.

Хоразмда "уста" сўзининг иккита маъноси бор. Бирон касб-ҳунарнинг баридан ушлаб, эл эътиборига тушганларни шогирдлари азалдан "уста" дея аташарди. Бу сўзнинг ўз маъносида ишлатилиши. Аммо хоразмликлар кўп йиллар ҳалол ва самарали ишлаган, устоз, мураббий мақомига эришганларни гарчи шогирд эмасалар-да, ҳурмат билан "уста" дея эъзозлашади. Тан олмоқ жоизки, ҳар икки маънодаям "уста" номига лойиқ кўрилганлар орамизда ҳали унчалик кўп эмас. Уста сифатида эътироф этилганларнинг аксарияти эса битта касбнинг соҳиби, яъни "фалончи чилангар уста" ёки "фалончи темирчи уста" ва шу касби бўйича номи эл оғзига тушган "уста"-устозмураббийлар.

Ғофир ака бир йўла икки касбнинг соҳиби. Элдошлари - катта авлод вакиллари учун у қўли гул ёғочсоз уста, бутун воҳанинг кўп сонли ҳуқуқшунослари учун эса севимли "уста" — устоз-мураббий.

Ғофир акани кўпчилик элдошлари қатори камина ҳам ёшлигидаёқ "кашф" этган. Ҳали-ҳали ёдимда, раҳматли бобом қишлоқнинг моҳир дурадгор устаси кексайиб, мункайиб қолган кезлари ҳузурига юкиниб келганларга: "Болаларим, қартайдим, қўлларим айтганимга юрмай қўйди, энди Ғофиржонга боринглар, қишлоғимизнинг олд устаси у бўлиб қолди", дегандилар.

Ўша даврни адолат эмас, адоват замони деса, балким тўғрироқ бўлар. Негаки, ижтимоий нотенглик, фирқавий зўравонлик ва якка-ҳокимлик излари қадамда бир учрамоқда эди. Одамларни зўрлаб далага ҳайдаш, етимесир, бева-бечорани одам ўрнида менсимаслик касали газак олганди. "Социализмча раҳбарлик"нинг бундай "сийлов"ларидан ватан озодлиги йўлида жон фидо этган марҳум кемачи Собир ота ва "беш йиллик"лар зарбдори, Мухомон қишлоғининг моҳир пахтакори Моможон она (Ғофир аканинг ота-онаси)лар оиласи ҳам бебаҳра қолмади. Хуллас, 50-йилларга келганда боқувчисиз қолган оила йўқсиллик устига ижтимоий адолатсизликларга ҳам қадамда бир рўпара келди.

- Ёшим 25 га етгунча ҳаётдан адолат излаб яшадим, - дейди у ўкиниб. - Адолатсизликларга тез-тез дуч келганим учун ҳам уни астойдил излашга мажбур бўлганман. Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетидангина уни топишга муяссар бўлдим.

"Ҳуқуқшунос адолатни ўзи учун излар экан, шунинг ўзи катта адолатсизлик. Калтафаҳмлик, қоловерса, қонунбузарликнинг ҳам айнан ўзи", — ҳуқуқшунос Ғофир Собировнинг ҳаёт фалсафаси ана шу. Унинг бу борадаги мушоҳадасини тингларканмиз, ҳаёлимизда 90-йиллар воқеалари гавдаланди.

90-йиллар воқеаларигача (1984-90 йиллар назарда тутилади - А.С.) у кишининг фаолиятини кўп бор кузатдим, - деди мулоҳаза билан Ғофир Собировнинг прокуратура соҳасида ишлаган ҳамкасбларидан бири. "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" тамғаси остида судга юборилган 100 га якин "жиноят иш"ларининг 80 дан зиёдини Ғофир ака терговга қайтаргани ҳамон эсимда. Судья уларнинг бари уйдирма эканлигини ҳаммадан илгари пайқаб етганлигини, афсуски, биз кеч англадик. Кейинчалик қайта терговга жўнатилган ишларнинг деярли бари жиноят аломати йўқлиги боис тугатиб юборилди. Прокуратура, яна ким денг, Гдлян ва Иванов сингари "наҳанг"лар тўқиган чўпчакни келган йўлига қайтариш учун судьяга отнинг калласидай юрак зарур эди. Бундай кезларда "жиноят иши" бир тарафда қолиб, судьянинг ўзини чиғириққа тортишарди. Ғофир ака буларнинг барига мардонавор туриб берди ва қарийб барча ишлар юзасидан адолатли ҳукмлар чиқарилишига эришди.

Прокуратура ходимининг эътирофи-ҳақиқат ва адолатнинг устуворлиги нишонаси. Буни тезора ўз мустақиллигини қўлга киритган мамлакат Олий судининг раҳбарлари ҳам илғаб олишди. Ва Хоразмдек чекка, айни пайтда кўп зуғумларни бошдан кечирган юрт вакили, вилоят суди ҳаками вазифасида ишлаётган Ғофир Собировни гдлянчиларнинг қурбонларини оқлаш бўйича тузилган республика комиссияси аъзолигига тасдиқлашди.

- Ўшанда комиссия 3 мингдан кўпроқ кишини оқлаш бўйича ягона тўхтамга келди, - ҳикоя қилади Ғофир ака. - Биргина Хоразм вилояти бўйича 150 дан зиёд кишининг беайблигини исботлашга муваффақ бўлдик.

150 киши. 150 та тақдир. 150 та оиланинг шодлиги-ю, қувончи. Энг муҳими, қонунийлик тикланди, адолат ва ҳақиқатнинг юзи очилди. Бу 1991 йил илкимизга қўнган истиқлол туфайли рўй берди.

- Айбсизлар шубҳасиз озодликка чиқарилди, аммо бундан ҳам муҳими ўзбекистонлик оддий ҳуқуқшуносларнинг Гдлян, Иванов сингарилар уя қуриб олган "Бутуниттифоқ прокуратураси" устидан қозонган ғалабасидир, — мамнуният билан таъкидлайди суҳбатдошимиз.

Салоҳият ўзидан ўзи юзага келмайди. Унинг "масаллиғи" ҳаётий тажриба, билим, ақл-идрок сингари инсоний сифатлардир. Боғот туман ички ишлар бўлимида катта терговчи вазифасида ишлаётган кезлар ёш ҳуқуқшуноснинг салоҳиятидан дарак берувчи воқеаларнинг бири рўй берди. Тошкент, Самарқанд, Красноярск, Хоразм вилоятлари изқуварларига узоқ йиллар мобайнида тутқич бермай келган жиноий тўданинг фаолияти Ғофир аканинг жонбозлиги туфайли 17 кун ичидаёқ фош этилди.

...Судьяликка ҳамманиям лойиқ кўришмайди. Соҳа ходимлари орасида "Терговчининг зўридан судья чиқади", деган ақида мавжуд. Ҳуқуқшунос ҳаётининг йўриғи ҳам шу-да: кимки ҳақиқат ва адолатни бошқалардан кўра илдамроқ ва равшанроқ идрок этса, уни ҳамиша масъулиятли ишлар кутади. Ғофир акани кутаётган масъул иш — судьялик лавозими эди. 1985 йили уни шу ишга йўллашди. Дастлаб ўзи туғилиб ўсган Ҳазорасп туманида судья, кейинчалик (1986-92 й.й.) Хоразм вилоят судининг судьяси, Дўстлик шаҳар судининг раиси (1992-97 й.) лавозимларида ишлади, ишлагандаям ҳалол ва тер тўкиб ишлади, адолат, ҳақиқат ва қонунийликни касбининг, умрининг мезони қилиб белгилади.

Ғофир Собиров мана уч йилки, вилоят миқёсидаги раҳбар: Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини.

Умр ўтмоқда, унинг йўлларига солинган кўпгина излар эса йўқолиб битмоқда. Лекин ҳаётда йўқолмас, ювилмас, ўчмас излар ҳам бор. Бу-эзгулик излари. Одамлар эзгуликни унутишмайди, унга из солганларни бошларига кўтаришади. Малакали ҳуқуқшунос Ғофир Собировнинг ҳурмати Хоразмда сарбаланд. Эзгулик йўлларидан юрганларгина ана шу янгиғ сарбаландликка кўтарилишади. Ўзларидан яхши из ва албатта, қобил фарзандлар, зукко шогирдлар қолдиришади. Уларнинг бари бугун устознинг қўли, қаноти, ғурури, ифтихори, ишончи, умиди...

Қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин, Ғофир уста!

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Бизга хат ёзилабсиз

ЭРИМ АЙБДОР БЎЛСА...



Ҳурматли "Инсон ва қонун"!

Сизга узоқ Хоразм вилоятидан кўп болали она ёзаяпти. Мен 1975 йилда Рўзмат Рўзметов деганга турмушга чиққан эдим. Биргаликда рўзғор тебратдик, фарзандлар тарбиялаб ўстирдик, уларни уйлижойли қилиб, келинли-неварали бўлдик, бир оила асосида ишлаб-яшаб келаётган эдик. Топган-тутганимиз ўртада эди. Оиламизда эрим, мен, ўғилларимиз Руслан ва Азамат, келинларимиз Шаҳло ва Дилфуза 1994-95 йиллардан буён турли вазифа-лавозимларда меҳнат қилиб келаётган эдик.

1999 йилда оиламиз бошига ташвиш тушди. Эрим қалтис хатога йўл қўйиб, мулкни ўзлаштирганликда айбланиб, бир ярим йилга судланди. Унинг устидан чиқарилган ҳукмда эримга тегишли мол-мулк давлат фойдасига мусодара қилиниши кўрсатиб ўтилди. Ваҳоланки, эрим иши бўйича етказган зарарини тўлаб бўлган эди. Шу боисдан уйимиздаги эримга тегишли мол-мулкни рўйхатга олишди. Жумладан, эримнинг номига расмийлаштирилган, 1998 йилда сотиб олганимиз "Тико" русумли автомашинани, уйимизда вақтинча сақланиб турган, қариндошимизга тегишли "Панасоник" русумли видеокамерани, оиламизга тегишли ярим миллион сўмдан ошиқроқ миқдордаги ички заём лотереяларини мусодара рўйхатига киритишди ва олиб қўйишди. Шундан буён мана бир йил бўляптики, ушбу мулкка эримдан бошқа оила аъзоларининг ҳам ҳақи борлигини, уларнинг қисми қайтарилишини сўраб мурожаат қилаяпмиз. Аммо кутган натижага эришолмаяпмиз. Бизга тушунтирсангиз, "Тико" машинасида эримнинг ва бошқа оила аъзоларимизнинг қанчалик ҳақи бор? Эримнинг тегишли қисмини пулини тўлаб, машинани оиламизга қайтариш мумкинми?

Тоғам Й.Машариповга тегишли видеокамера бизнинг уйда вақтинча сақланиб турган бўлса, уни асоссиз эримга тегишли мулк ҳисоблаб, мусодара қилиб юборишлари тўғрими? Заёмларни-чи? Жавобларни газета орқали билдирсангиз, шояд баъзи маҳкамалардагилар эътибор билан қараб, ишимизни қонуний ҳал қилиб беришса.

Болжон ЖУМАНИЁЗОВА,
Хоразм вилояти,
Хива тумани,
Беруний номли жамоа хўжалиги

ТАҲРИРИЯТДАН:

Болжон опа! Хатингизни ва унга илова қилинган ҳужжатларни бирмунча чуқур ўрганишга ҳаракат қилдик. Ҳуқуқшуносмутахассислар билан маслаҳатлашдик. Қонунларни яна бир бор варақлаб кўрдик. Хуллас, масала кўпам мураккаб эмаслигига, умумий асосларда судда кўрилиб, чигаллаштирмасдан ҳал этилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик.

Аввало Оила кодексининг 23-28, 90-95-моддаларига бир сира эътибор қаратиб, эр ва хотиннинг мулки, умумий мулк ва биргаликдаги мулк ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шу билан бирга Сизни қизиқтираётган масала судда кўрилиши ва ҳал этилиши зарур. Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси кўл келади. Унинг 216-моддасида "умумий мулк тушунчаси" берилган. Суд аввало низоли мулкни улушли мулк қилиб белгилаши керак. Кодекснинг 217-моддасида эса улушли мулкдаги улушларни аниқлаш қоидаси ёритилган: "Агар улушли мулк иштирокчиларининг улушларини қонун асосида белгилаш мумкин бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг ҳисобланади", деб ёзилган.

Қонунларга кўра, тергов ва судда "Тико" автомашинасини эрингиз жиноий йўл билан топилган пулга сотиб олганлиги аниқланмаган ва оиланинг умумий маблағи ҳисобидан сотиб олинган бўлса, у улушли мулк деб белгиланиши ва эрингиз, сиз, иккала ўғил ва келинларингизнинг, яъни 6 кишининг тенг улушига бўлиниши керак. Бунда албатта, умумий талабдан келиб чиқиб, ҳар бир улушга даъвогар ўз улушини талаб қилиши ёки улушдорлардан бирининг фойдасига ўз улушини ён босиши мумкин. Оддий арифметика: эрингизнинг автомашина қийматида 6 дан 1 улуши бор. Агар бошқа қонуний асосланти-рилган ҳолат таъсир кўрсатмаса, машина қийматининг ана шу қисми мусодара қилинади. Мамлакатимиз Конституциясида инсон омили ва унинг ҳуқуқ-манфаати олд даражага кўтарилганлигига эътиборан, улушдорлар биргаликда мусодарага тегишли суммани тўлаб, автомашинани умумтасарруфга олишга ҳақли. Суд албатта, инсонпарварлик тамойилига риоя қилмоғи керак.

Тоғангизга тегишли видеокамера масаласида эса ҳужжатларингиз орасида бу буюмнинг Машариповники эканлигини тасдиқловчи қишлоқ кенгашининг расмий маълумотномасини кўрдик. Агарда одамлар, гувохлар камеранинг Й.Машариповга тегишли эканлигини тасдиқлашса, бу мулк рўйхатдан чиқарилиб, ўз эгасига қайтарилиши керак. Заёмлар масаласида ҳам шундай тартиб қўлланилиши керак.

Биз қонун талабини бирмунча тушунтиришга уриндик. Лекин барибир ишга ваколатли суд узил-кесил нуқта қўяди. Сиз эса ўз ҳуқуқингизни суддан қатъий туриб талаб қилишингиз жоиз. Масала адолатли ҳал бўлишига шубҳамиз йўқ.

Суд ҳокимияти

Раҳбардан—дод, қонундан—нажот!

ТАНИШУВ

Рўзибой Саидов Бирлашган таҳририятимизда бўлим мудири сифатида иш бошлади. У 1974 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Гўс қишлоғида туғилган. 1997 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган.

Р.Саидов Олий хўжалик суди муассислигидаги "Хўжалик ва ҳуқуқ" - "Хозяйство и право" журналида, "Ҳуррият" мустақил газетасида ишлаган. Республика матбуотида бир нечта мақоласи эълон қилинган. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Таҳририятимизга Сирдарё вилоятининг Сайхунобод тумани, Ибн Сино кўчасида жойлашган 54-уй, 7-хонадонда яшовчи фуқаро Диловар Муратов мурожаат қилиб, хусусий корхона очиш умидида қилган ҳаракатлари зое кетганлигини, уни туман ҳокимияти сарсон-саргардон қилганлигини, охири иш судгача етиб, адолат қарор топганлигини айтди.

У 1996 йилда ушбу тумандаги "Саноатчи" жамоа корхонасига қарашли бўлган "Шлакоблок" цехи таркибидан ажралиб чиқиб, хусусий корхонасини ташкил қилади. Мавжуд қонунчиликка асосан Сирдарё вилояти Давлат мулки бошқармаси 1996 йил 2 майда Диловар Муратовга 1660-сонли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини ҳам беради. Маблағ топилавермаганлиги сабабли хусусий корхона тезда ишга тушмайди.

1997 йилнинг январ ойида Д. Муратовни туман ҳокимиятига чақиришиб, хусусий корхона ўрнига автомобилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчаси қуриш режалаштирилаётганлигини, унга эса АЁҚШнинг эски ўрнини беришмоқчи эканликларини айтишади. Туман ҳокимлиги бош меъмори Фазлиддин Давлатов билан АЁҚШнинг ўрнини бориб кўрган тадбиркорга корхона учун ажратиладиган жой ёқмайди ва у бу таклифга норозилик билдиради. Бу орада Д. Муратовнинг соғлиғи ёмонлашиб, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига даволаниш учун кетади. Уч ойдан кейин қайтиб келса, унинг хусусий корхонаси йўқ қилинган...

Маълум бўлишича, тадбиркор даволанаётган пайтда туман ҳокими қарорига асосан, шлакоблок цехи ўрнига АЁҚШ қурилган ва туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича муовини Жўрақул Эгамқулов бошчилигида Сирдарё вилояти нефть маҳсулотлари бошқармаси ҳамда Сирдарё шаҳар туманлараро нефть маҳсулотлари базаси хизматчилари ёрдамида цех буздирилиб, ускуналар айнан тадбиркор олишга рози бўлмаган жойга олиб бориб ташланган. Ускуналар йўқолиб кетган, борлари тамомила яроқсиз ҳолга келган.

Ўзининг, оиласининг, шу орқали эл-юртнинг нонини бутун қилишга ҳисса қўшмоқчи бўлган бир тадбиркорга Сайхунобод тумани ҳокимиятидагилар, хусусан ҳоким Ғани Эргашев жаноблари ана шундай "ёрдам" берадилар. Д. Муратов моддий ҳамда маънавий томондан оғир аҳволга тушиб қолади. Йўқчилик, қийинчиликдан чиққан жанжаллар туфайли оиласи билан ажрашади.

Тумандаги турли мутасадди идоралар, ташкилотларга югуравериб силласи қуриган тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси 2000 йилнинг 12 апрелида моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида вилоят судига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Иш Сирдарё туман судида судья Н. Мансуров томонидан кўриб чиқилади. Судьянинг ҳал қилув қароридан норози бўлган Д. Муратов 5 июн куни вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъатига мурожаат қилади ва ҳайъат ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни қайтадан кўриб чиқиш учун Сайхунобод туман судига юборади. Хуллас, яна анчагина "тортишув"лардан сўнг иш Оқ олтин тумани судига келиб тушади ва ниҳоят 2000 йилнинг 31 августида суд раиси Р. Норқўзиев томонидан ҳал қилув қарори чиқарилади. Қарорда жумладан шундай дейилади:

"...жавобгар Сайхунобод тумани ҳокимлиги ва Сирдарё шаҳар туманлараро нефть базасидан тенг ҳиссада (солидар тартибда) 3.745.310 сўм тўлиғича Муратов Д. фойдасига ундирилсин...

...Сайхунобод тумани ҳокимлигидан Муратов Д. фойдасига 250.000 сўм маънавий зарар тўлиғича ундирилсин".

Бугун мамлакатимиз Президенти тадбиркорларни ҳар қандай шароитда қўллаб-қувватлаш кераклиги тўғрисида куюниб гапирмоқдалар. Юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги тадбиркорлик, хусусан якка тадбиркорлик ривожига боғлиқлигини бот-бот уқтирмоқдалар. Яқин ўтмишдаги хатоларнинг энг каттаси айнан хусусий мулкчилик йўлига қўйилган тўсиқ эди.

Албатта, биз бир туманнинг ҳокими ёхуд бошқа раҳбарлари учун шлакоблок цехи очиб, одамларнинг уй қуришларига кўмаклашмоқчи бўлган бир тадбиркорга ёрдам беришдан кўра, ёнилғи қуйиш шоҳобчаси қурилишига хайрихоҳликнинг тагида қандай илинж борлигини билмаймиз. Бироқ, нега бундай "қайишиш" учун айнан тадбиркорнинг хусусий корхонаси танланганлигини ўша раҳбарлар билишади. Тўғри, корхона ҳали ишга туширилмаган эди. Аммо уни ишга туширишга ёрдамлашиш, тадбиркорнинг маблағи етмаса, кредит олиш йўл-йўриқларини кўрсатиш, унинг белига қувват бўлиш биринчи галда жойлардаги ҳокимлик мутасаддиларининг вазифаси эмасми?! Қолаверса, 9 йилдирки, мустақил, озод бир Ватанда яшамоқдамиз. Унга муносиб фарзанд бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, одамларнинг дардларига дармон бўлиш, пок яшаш, яхши ниятлиларни қўллаб-қувватлаш Сайхунобод раҳбарларининг ҳам бурчидир.

Д. Муратов биздан ҳақиқатнинг юзага чиқишида унга ёрдам берган Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Тўлан Дадабоев, унинг биринчи ўринбосари Набижон Бадалов, Оқ олтин туман судининг раиси Раҳмонберди Норқўзиев ва бошқаларга ўз миннатдорчилигини газета орқали етказишимизни илтимос қилди. Унинг фикрига қўшилсак-да, шуни айтмоқчимизки, демократик ҳуқуқий жамият қурилаётган мамлакатимизда қонун устуворлиги асосий тамойилдир. Оддий меҳнаткаш одамлар, хусусан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар мажмуаси мавжуд. Ана шу қонунларимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак кам.

Рўзибой САИДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Анжуман

МУНОСИБ НИКОҲ ВА СОҒЛОМ АВЛОД

Соғлом авлод, маънавий баркамол инсон нима дегани? Нега юртбошимиз жорий йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилдилар? Аҳли донишмандларнинг фикрича, мустақил турмуш бўсағасида турган одам боласи, аввало, ўзига муносиб жуфт танлаб олиши зарур. Акс ҳолда, бу хатолик жабрини нафақат ўзи, балки ота-онаси-ю, қавм-қариндошлари, фарзанддари ҳам бирга тортадилар.

Хуллас, ХХ асрнинг сўнгги пиллапояси бўлиб турган йил бежизга "Соғлом авлод йили" дейилмади. Шу йилнинг ярмигача Сурхондарё вилоят марказий туғруқхонасида кўзи ёриган аёллардан бир нечаси тери таносил касаллигига чалинганлиги факти ғоятда ачинарлидир. Дунёга нима учун келганига лол бўлиб, биғиллаб йиғлаётган гўдаклар нопок она ёхуд саёқ отанинг касрига касал ва ногирон!

Яқинда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси ташаббуси билан "Соғлом авлод дастури йўналишларини амалга оширишда ФҲДЁ бўлимлари билан қишлоқ фуқаролик йиғинларининг ҳамкорликдаги вазифалари" мавзусида назарий семинар бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанларнинг асосий диққат-эътибори тўла-тўкис балоғат ёшига етмаган қизларни эрта турмушга бермаслик, оилалар бузилишининг, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш сингари қатор муаммоларга қаратилди.

Яна бир энг жиддий муаммо бу қонуний никоҳсиз туғилаётган болаларнинг кўпайиб боришидир. 1999 йилда вилоят акушер-гинекология тизимида 94 нафар (54 нафари Термиз шаҳрида) аёл ФҲДЁ бўлимларидан никоҳдан ўтмасдан фарзандли бўлишган. Никоҳсиз яшаш, фарзанд кўриш муқаддас динимиз талабларига ҳам, қонунларимизга ҳам зиддир.

Сўзга чиққан Ангор тумани Янгиобод қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Т.Кўзибоев, вилоят туғруқхонаси акушер-гинекологи Ҳ.Исломова, Термиз шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи А.Қаҳҳоровлар бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр юритдилар.

Шундан сўнг назарий семинар иштирокчиларига қарамоғида ногирон болалари бор хонадонлардан тушириган видеотасвирлар намойиш этилди. Шунингдек, нотиқлар Оила Кодексидаги айрим моддалар ва бандларни мукаммаллаштириш таклифини билдиришди. Жумладан, йигит-қизларни турмуш қуришдан аввало ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтишларини қонунда мажбурий деб белгилаш мақсадга мувофиқдир, деган фикр ўртага ташланди.

Хулоса шуки, мазкур назарий семинар аксарият йиғилишлардан фарқли ўлароқ, фойдали мулоқотлар, баҳс ва тортишувларга бой бўлди.

Ўз мухбиримиз

Қонун ва ижро

ТАРБИЯЧИ ҒИРРОМ БЎЛСА...



Ёлғон қаердан пайдо бўлади? Баъзилар осон йўлдан бориб, эгри қадам ташлайди, жиноят кўчасига кириб қолганини кеч англайди. Бир қарашда оддий, соддагина туюлган саволлар ҳали-ҳануз ҳуқуқшунос олимларни, соҳа мутахассисларини чуқурроқ ўйлашга даъват этаяпти. Баъзан шундай ишларга дуч келасанки, қаршингда турган — жиноят содир этганини англамаган ёки қилган иши жиноят эканини дилдан ҳис этмайдиганлар билан баҳслашгинг, ёниб-куйиб уларнинг фойдасига нималарнидир тушунтиргинг келади. Ахир, алдамасдан, ёлғон айтмасдан, турли сохталикларга изн бермасдан ҳам яшаш мумкин-ку?!

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш тумандаги 25-сонли болалар боғчасида ғаройиб воқеага дуч келинди.

Гулсара Нишотова, Моҳира Ғаффорова, Гулсанам Давронова — булар ёрдамчи тарбиячи вазифасида ишлаб келаётган ёш тарбиячилар. Аммо уларнинг тарбиячилиги, тўғрироғи, дипломлари "уялтириб" қўйди. Улар 1-сонли Тошкент педагогика билим юртини битирганлиги ҳақидаги сохта муҳр босилган БС 094782, 967038, 097245 рақамли диплом билан болалар масканида бир йилдан ошиқроқ вақт мобайнида фаолият кўрсатишди. Сохта дипломли "тарбиячи"лар 2000 йил 15 январдан бошлаб ишга ўрнашган, яъни бир кунда меҳнат фаолиятларини бошлашган. Сохта дипломлар уларнинг ёшига мослаб (турли йилларда) олинган бўлса-да, нархи ҳар хил бўлиб чиқди. Гулсара Нишотованинг дипломи 3 минг сўм, Гулсанам Давронованинг дипломи 5 минг сўм, Моҳира Ғаффорованинг дипломи 15 минг сўмга сотиб олингани маълум бўлди. Биз далилларни аниқлаш мақсадида икки бор пойтахтга мурожаат қилдик, афсуски, "тарбиячи" қизларга берилган дипломлар Тошкент шаҳридаги педагогика билим юрти томонидан берилмагани ва улар ушбу ўқув даргоҳида ўқимаганликлари аниқланди. Ҳаттоки, дипломларга қўйилган рақамлар педагогика билим юрти томонидан олинмаган, муҳр ҳам сохта. Бунинг устига уларнинг дипломида ёзилган мутахассислик бўйича 1-сонли Тошкент педагогика билим юртида ўқитилмас экан...

Уччала "тарбиячи" ҳам ишга кириш учун тақдим этган дипломи сохталигини била туриб, ундан қасддан фойдаланиш жиноятини содир этди. Моҳира Ғаффорова, Гулсанам Давронова, Гулсара Нишотова юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлик ҳоллари аниқланиб, уларга нисбатан айблов эълон қилиниб, жиноят иши мазмунан ҳал этиш учун туман судига юборилди.

Хўш, иш шу билан тамоммі? Ёлғон фош бўлди, жиноятга яраша жазо ҳам тайин, аммо бирники мингга, деган мақол кишини чуқур ўйлатиб қўяди. Дастлаб уч "тарбиячи"дан биттаси, кейин иккинчиси, сўнгра учинчиси сохта диплом сотиб олди. Балки уччаласидан ҳам олдин яна кимдир биринчилардан бўлиб жиноятга қўл урган, бошқаларга ҳам "йўл" кўрсатгандир. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Йўқса, Бухоронинг олис Пешку туманида сохта дипломлар қаердан пайдо бўлади? Бу борада туман прокуратураси томонидан текшириш ишлари давом эттирилаяпти. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам борки, нега қизларимиз ёшларга хос шижоат, тўғриликни эмас, эгри йўлни танладилар. Ахир, уларнинг ота-онаси, ака-сингил — яқинлари бор-ку?! Ёшларни чалғитган айни улар эмасмикан? Бу саволларга кўплашиб жавоб топмоқ зарур. Ёшларимизни ғирром йўллардан қайтаришга ҳар бир онгли фуқаро ўзини масъул деб билсин. Бунингдек воқеалар атрофида баҳслашсак, ўйласак, чора топсак — марра бизники.

Ҳамро САИДОВ,
Пешку туман прокуратураси терговчиси, I даражали ҳуқуқшунос

Мактуб

Ҳурматли таҳририят!

Мана, тўрт ойдирки, турмуш ўртоғим Нурхон Сахатов қамоқда. Уни суд Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 167- моддa 4 - қисми "а" банди ва 209 - модда 1 - қисми билан айблаган.

ОҚ ҚОҒОЗДАГИ МУҲР

У кишининг қамалишига қуйидаги воқеа сабаб бўлди:

1995 йилда турмуш ўртоғим Нурхон Сахатов нафақага чиқди. 1996 йилда тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида масъулияти чекланган жамият очди ва кейинроқ у "Мироқи" кичик корхонасига айлантирилди.

1999 йилнинг 3 январ куни "Мироқи" кичик корхонаси ва ИИБга қарашли муассаса ўртасида шартнома тузилади. Бу шартномага биноан кичик корхона муассасага қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришда савдо-сотиқ ва воситачилик қилиши керак эди.

Муассасанинг Навоий вилоятида жойлашган "Вазирабону" хусусий фирмасидан 3957157 сўм қарзи бор экан. 1999 йилнинг июл ойида Ю.Гриценко деган шахс келиб, турмуш ўртоғимга "Вазирабону" фирмасининг қарз ўрнига муассасадан ғишт олмоқчи эканлигини, ғиштни Тошкент шаҳрида жойлашган "Рагзу-сервис" фирмасига ўтказишда воситачилик қилишини сўрайди. Е.Баенов ва Ф.Ҳасанов деган шахсларни шу фирма вакиллари деб таништиради. Шартнома тузиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни кўрсатади. Хуллас, уч томонлама шартнома тузилади. Муассаса "Вазирабону" фирмасига тўлаши керак бўлган қарзи ҳисобига 395715 дона ғиштни "Рагзу-сервис" фирмасига "Мироқи" орқали сотиб, пулини ҳам "Мироқи" орқали олишга келишадилар. Воситачилик қилгани учун "Мироқи" кичик корхонаси умумий сумманинг 5 фоизи миқдорида ҳақ оладиган бўлади. 1999 йилнинг 27 августигача шартномада кўрсатилган барча ғиштлар "Рагзу-сервис"га ўтказиб берилади.

Июл ойида "Рагзу-сервис" олинган ғиштнинг бир қисми учун 2 млн. 625 минг сўм пул ўтказади. "Мироқи" бу пулни "Вазирабону" ҳисобига етказиши керак эди. Лекин муассаса ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари ҳозир ўзлари ҳам оғир аҳволда эканликлари, ҳатто ишчиларига маошга ҳам пул йўқлигини рўкач қилиб, пулни корхона ҳисобига ўтказишни турмуш ўртоғимдан талаб қилишади. Бундан ташқари, корхона ва "Вазирабону" фирмаси ўртасидаги шартнома бўйича фирма ғиштни 1999 йилда эмас, 1998 йилда олиши керак экан.

Орадан бироз вақт ўтгач, "Вазирабону" фирмаси директори Т.Истамов Қарши шаҳрига келиб, ўзини фирманинг вакилиман деб таништирган Ю.Гриценкога берилган ҳужжатдаги имзо уники эмас, тижорат ишлари бўйича ўринбосари М.Энтензонини эканлигини, М.Энтензонга Россиядаги фирмалар билан шартнома тузиш учун босилган тоза қоғозлар берганини айтади.

1999 йилнинг октябр ойигача турмуш ўртоғим ва "Вазирабону" фирмаси вакиллари "Рагзу-сервис"дан қолган қарзларни ундиришга ҳаракат қилишади. Лекин бирор натижага эриша олмайди. Шундан сўнг "Вазирабону" раҳбари хўжалик судига шикоят қилиш ўрнига Қарши шаҳар махсус прокуратурасига мурожаат қилади .Сабаби прокурор таниши, ҳамқишлоғи экан.

Тергов давомида "Мироқи" кичик корхонаси муҳрини турмуш ўртоғимдан олиб қўйишади. Кейинроқ бу муҳрдан юқорида тилга олинган муассаса ҳисобига ўтказган 2 млн 625 минг сўмни "Вазирабону" фирмаси ҳисобига ўтказишда фойдаланишади. "Рагзу-сервис" фирмаси ходимлари С. Ражабов ва С. Ходжаевлар нақд пулга сотилган ғиштлар учун 1 млн 222 минг сўмни муассаса кассасига кирим қилади ва бу пул ҳам "Вазирабону" ҳисобига ўтказилади. Хуллас, "Вазирабону" фирмаси барча қарзларини ундириб олди.

Шундай бўлса-да, иш судга ўтказилди. Шу йилнинг 22 март куни Қашқадарё вилоят суди судьяси Х. Бобоқулов раислигида суд жараёни бошланди. Турмуш ўртоғим бор гапни айтса-да, суд уни ҳисобга олмади.

Хуллас, ҳукмда Нурхон Сахатов давлатга ёки фалон фирмага фалон сўм зарар келтирди, деган жумла йўқ. Шундай бўлса-да, у беш йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Турмуш ўртоғимга қўйилган айбномаларда унинг "Вазирабону" фирмаси муҳри туширилган ҳужжатларни ғаразгўйлик билан эгаллаб олганлиги ва сохталаштирганлиги айтилади. Ахир, бу жиноят фирманинг вакиллари жиноятини-ку, бунга Нурхон Сахатовнинг ҳеч бир алоқаси йўқ-ку. Фирма Қизилтепада жойлашган бўлса, эрим қандай қилиб ғаразли мақсадларда "Вазирабону" муҳри босилган бланкаларни эгаллаб олади. Бу ерда мантиқ қани?

Турмуш ўртоғим Нурхон Сахатов иқтисодчи эмасди. Балки қандайдир хатога йўл қўйгандир, аммо асосий даъвогар "Вазирабону" фирмасининг қарзи ундирилди-ку! Сотилган ғиштларнинг пули тўланди-ку. Ҳужжатлар қалбакилаштирилган экан, бунинг учун аввало шу ишга йўл очган, оқ қоғозга муҳр босиб берган фирма директори жавоб бериши керак эмасми? Нега у ҳеч бир асоссиз, оқ қоғозга муҳр босиб беради? Бу билан у юқоридаги "жиноий" ишнинг асл сабабчиси бўлмадими?

Менинг турмуш ўртоғим узоқ йиллар ички ишлар тизимида ишлаб, жиноятчиликка қарши курашиб келди. Фарзандларини ҳам, дўстлари, таниш-билишларини ҳам ҳамиша ҳалолликка ундарди. Наҳотки шундай одам жиноят қилса? Менга ёрдам беришларингизни ўтиниб сўрайман.

Сабоҳат ҚУРБОНОВА

Таҳририятдан:

Биз бу мактубни эълон қилиш билан тергов ёки суд ҳукмига эътироз билдирмоқчи эмасмиз. Лекин ҳар бир ҳат ортида инсон тақдири ётади. Эътибор берган бўлсангиз, мактубда эътироз билдириш қийин бўлган фактларга дуч келасиз. Жумладан, мактуб муаллифи ёзганидек, кичик корхона ва фирма ўртасидаги низо нега хўжалик судида кўрилмасдан, бирдан прокуратура томонидан текширилди. Аввал хўжалик судида кўрилиб, агар жиноят аломатлари бўлса, ички ишлар ёки шаҳар прокуратураси томонидан текширилса ҳам бўлар эди-ку.

Суд ҳукмида ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳақида гап боради. Лекин бу ҳужжатларни қалбакилаштиришда кимнинг қанча роли борлиги аниқланмаган. Аслида бу қалбаки ҳужжатларнинг пайдо бўлишида ким кўпроқ айбдор? "Вазирабону" фирмаси директори икки варақ оқ қоғозга муҳр босиб, муовинига беради. Шу иш ўзи тўғримі? Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, бу қинғир ишда фирма директорининг ҳам қўли бордек туюлмайдими?

ФҲДЁ ҳаёти

ҲАР ОИЛА БАХТЛИ БЎЛСИН

Халқимизга хос фазилатлардан бири оиланинг муқаддаслигидир. Ҳар бир йигит ва қизнинг дил рози, аҳду паймони ила оила қурилади. Шундан сўнг улар энди турмуш севинчларини, заҳматларини бирга тортишади, ҳаётдаги қийинчиликлар, ташвишларни биргаликда енгишади. Оила қуришга аҳду паймон қилган ҳар бир йигит ва қиз никоҳдан ўтганидан сўнг тегишли ҳуқуқларга эга бўлиш билан бирга, шу никоҳ туфайли зиммаларига тушадиган мажбуриятларни ҳам аниқ англаб олса, оиланинг барқарорлигига замин яратилган бўлади.

"Инсонни ўргатиб бахтли қилиб бўлмайди, аммо уни шундай тарбиялаш керакки, у бахтли бўлсин" деган эди улуғ педагоглардан бири. Демак, инсонни бахтли қилиб тарбиялашда уни оилавий ҳаётга тайёрлаш муҳимдир. Бу вазифаларни адо этиш мажбурияти бевосита бизнинг ҳам ишимизга дахлдор. Шу боис интилишларимизни бугунги кун талабларига мос равишда ташкил этаяпмиз.

Президентимиз томонидан ушбу йилнинг "Соғлом авлод йили" дея эътироф этилиши зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Янгийўл туман қишлоқ фуқаролар йиғинлари котиблари ҳамкорлигида махсус тузилган режа асосида жойларда турли мавзуларда ўтказилаётган савол-жавоб кечалари, учрашувлар самарали натижалар бермоқда. Ярим йиллик ҳисоб бўйича 1332 та туғилиш, 376 та никоҳ қайд этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ажримлар 8 тага камайди. Ажримлар ва уларни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганиб, шу аснода қишлоқ маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда қариндош-уруғлар ўртасида никоҳ тузиш ва балоғат ёшига етмаганларнинг оила қуриши каби салбий оқибатларнинг олдини олиш, чуқур тушунтириш ишларини жонлантирганимиз ана шундай самара бераётир.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларга оила-турмуш муносабатларини, келин-куёвнинг бир-бирини тушунишга ҳаракат қилиши, майда-чуйда гапларни четлаб ўтиш, муроса-мадорани сақлаш, уй тутиш, рўзғор тебратиш, фарзандни қобил қилиб тарбиялаш ва энг муҳими, оила хусусида амалдаги қонунларимизни билиш ҳамда унга риоя этишни ёшлар онгига сингдиришга, тушунчалар беришга интилаяпмиз. Шу мақсадда ФҲДЁ бўлимимизда никоҳни рўйхат қилдирган ёшлар билан ҳар ойнинг охирги кунлари алоҳида суҳбат ўтказилаётир.

Республика Президентининг 1999 йил 28 октябрдаги Фармонига кўра, тўйларни, никоҳ маросимларини ортиқча сарф-харажатларсиз, ихчам ўтказишга эришаяпмиз. Бу эса аҳоли истакларига мос тушаяпти.

ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг моддалари билан таништираяпмиз, туман соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ёшлар тиббий кўрикдан вақтида ўтказилиши ҳам яхши самаралар бераяпти. "Оила ва никоҳ", "Оила ва жамият", "Оила ва маҳалла", "Сиз оила қуришга тайёрмисиз?", "Соғлом фарзанд туғилиши нимага боғлиқ?" сингари мавзуларда тумандаги "Ниёзбоши", "Эски қовунчи", "Шуралисой" қишлоқларида бўлиб ўтган учрашувлар, давра суҳбатлари баҳс ва мунозаралар асосида қизғин тус олиб, кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Бугунги кун барчамиз учун севимли мустақил Ватанимизга садоқатли, фидойи инсон бўлмоқнинг нақадар шарафли эканлигини янада ойдинлаштирмоқда. Бунинг асосида эса аҳил, иноқ, мустаҳкам оила ётади. Шундай оилаларни барқарор айламоқ бизнинг эзгу ниятимиз. Ният йўлида кучғайрат билан ишлайверамиз.

Матлуба МИРАҲМЕДОВА,
Тошкент вилояти, Янгийўл туман ФҲДЁ бўлими мудираси

Бу ажиб дунё

ИЧКИЛИККА ҚАРШИ ИНГЛИЗЧА КУРАШ

Жиноятчиликнинг хавфли даражада кучайишидан хавотирга тушган Буюк Британия ҳукумати Ички ишлар вазирлигига қўшимча равишда 2,5 миллион фунт стерлинг ажратди. "Фейнэншл Таймс" газетасининг таъкидлашича, Лондон биринчи навбатда ичкиликбозликка қарши курашни кескин кучайтириш ниятида. Полиция-га кўчаларда ичишга ёки сотишга мўлжалланган алкогол ичимликларни мусодара этиш ҳуқуқи берилди. Жамоат жойларида ичувчиларга катта миқдорда, яъни 500 фунт стерлинг (1 фунт стерлинг 420 сўмга тенг) жарима белгиланди. "Мазкур чоралар туфайли Ливерлулнинг хавфли туманлари кечки сайр учун тинч, бехавотир бўлиб қолди" деб ёзади газета.

УЧ ҚЎЛЛИ ХИРУРГ

АҚШда хирургик операцияларни ўтказишга мўлжалланган биринчи роботлаштирилган асбобга оқ йўл берилди. Нархи I миллион доллар бўлган тиббий робот мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтди, унга ихтирочилар "Да Винчи" деб ном бердилар.

"Да Винчи" ёрдамида 113 нафар бемор билан ўтказилган операцияларнинг ҳаммаси ижобий тугади.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Соғлом авлод-юрт истиқболи

ИНГЛИЗ ТИЛИ XXI АСРДА

Ўтган йили АҚШ ахборот агентлиги - ЮСИС ҳомийлигида, АКСЕЛС ва Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан инглиз тили ўқитувчилари ўртасида кўрик-танлов ўтказилган эди. Унда Тошкент вилояти Пискент туманидаги 1-ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчиси Жамила Махмудова ғолиб деб топилди.

Ғолиблик унинг номини нафақат туман ёки вилоятда, балки республикада ҳам кўпчиликка танитди, десак муболаға бўлмайди. Ж.Махмудова тиришқоқ, уддабуррон, ташаббускор ўқитувчи. У ўқувчиларга фақат дарс бериш билан чегараланиб қолмаган. Муаллима "Тинчлик фарзандлари" клубининг раҳбари сифатида шогирдлари билан биргаликда мактабда кўплаб тадбирлар ўтказади. Максади - ҳар бир ёшни мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга ундаш.

Изланувчан муаллиманинг шижоати билан ўтган йили у ишлаётган илм масканига 2000 АҚШ доллари қийматида компьютерлар ва ўқув анжомлари тухфа қилинди. Ўзига эса 200 АҚШ доллари миқдорида ўқув ва малака ошириш ашёларидан иборат совғалар берилди.

- Буларнинг бари энг аввало, мустақиллигимиз шарофатидандир, - дейди муаллима. - Таълим-тарбия, соғлом авлод камолоти Ватанимиз истиқлолга эришгандан сўнг Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Фидойи ўқитувчининг янги ўқув йилида орзулари бир олам. У бу йил Ўзбекистон – Америка дўстлик фестивалини ўтказиш ниятида. Бунда АҚШ ахборот агентлиги (ЮСИС) ва Америка элчихонаси ходимлари мададкор бўлишига умид боғламоқда.

Қуйида Ж. Махмудованинг жаҳонда инглиз тилининг мавқеи хусусидаги фикрлари билан танишасиз.

XXI асрда дунё жуда тез ўзгариб, ривожланиб борди. Ер юзасидаги мамлакатлар бугунги кунда турли ижтимоий, иқтисодий ва демографик босқичда турадилар. Шундай экан, замонавий алоқа инсоният олдида муҳим муаммони келтириб чиқармоқда. Инглиз тили XXI асрда ҳам ўз мавқеини сақлаб қола оладими?

"The Economist" журналида ёзилишича, инглиз тили дунё миқёсидаги асосий тил бўлиб, у келгусида янада кенг тарқалар экан.

Дунё бозорига иккита муҳим сабаб таъсир этмоқда. Биринчидан, ишлаб чиқарилаётган товарларда битта ёки иккита хорижий компонент борлиги. "FORD"нинг автомобиллари ва IBM компютерлари буларга оддий мисолдир. Иккинчидан, импорт ва экспортнинг ярмидан кўпроғида давлат хорижий ва маҳаллий компаниялар ўртасида воситачидир.

АҚШнинг JOHNSON & JOHNSON компанияси ички бозорга нисбатан ташқарига кўпроқ товар чиқазади. Hewlett Packard компанияси эса, Осиёдаги инқироз туфайли анча маблағ йўқотиб, иқтисодий тангликни бошидан кечирди.

Қўшма корхоналар ҳозирги кунда тез ривожланиб бормоқда. Chrysler/Daimler Benz, MCI ва British Telecom компанияларининг нуфузи бунга мисолдир.

Нега биз иқтисодиёт муаммоларига инглиз тилини аралаштиряпмиз? Чунки айнан шу тил иқтисодий модернизация ва саноат ривожланиши билан чамбарчас боғликдир.

Маълумот олиш ва юбориш тез суръатлар билан ривожланмоқда. Турли давлатлар, корпорациялар, компания ва фирмалар технологик ривожланиш учун ўзаро тушунарли тилга муҳтож. Бу тил инглиз тилидир.

Инглиз тили сўнгги 40 йил мобайнида кенг миқёсда тарқалди. Дунёнинг 1.4 млрд. аҳолиси инглиз тили расмий тил деб тан олинган давлатларда яшайди. Ер юзида бешдан бир киши шу тилда сўзлаша олади.

Дунёнинг 70 фоиз олимлари инглиз тилида илмий тадқиқотлар олиб боради. Хатларнинг 85 фоизи шу тилда ёзилмоқда. Маълумот айирбошлашлар электрон тизим орқали инглиз тилида амалга оширилади.

Мексикалик учувчи Франция аэропортига қўниш олдидан ердаги диспетчерлар билан инглиз тилида сўзлашади. Немис олимлари янги кашфиётини дунёга инглиз тилида таништиради.

XXI асрда ҳам инглиз тилининг нуфузи сақланган ҳолда бошқа тилларнинг ҳам ривожланиши ўсиб боради. Шулар жумласига испан тили ҳам киради. Чунки лотин Америкаси аҳолисининг савдо ва саноатда роли сезиларли ўсмоқда. Бу эса Америка қитъасини икки тил регионига айлантиради. Кўп тилларнинг ривожланишига олиб келган сабаблар баъзи тилларнинг йўқолиб кетишига олиб келиши мумкин ва уларнинг ўрнини инглиз тили эгаллайди.

Университетларда машғулотлар инглиз тилида олиб борилади ва бунинг натижасида юқори малакали хизматчиларнинг ўрта синф авлоди юзага келади. Улар албатта инглизча сўзлашади ва иш юритишади.

Бугунги кунда саноат асрининг ўрнини ахборот айирбошлаш асри эгаллади. Натижада вақт ва масофанинг аҳамияти пучга чиқди, география ва чегара билмайдиган ахборот тараққиёти тизими ёзма ва оғзаки инглиз тилидаги бўшлиқни тўлдирди.

Инглиз тилининг ўзи луғатини 80 фоиз бошқа тиллардан кирган сўзлар эвазига бойитган. Европа тилларидан олинган сўзлар ичида испан, араб, француз сўзлари бўлса, энди эса унда ҳинду-урду, бенгал, малай, хитой, Ғарбий Африка ва ҳатто Полинезия сўзлари ҳам бор.

Америка, Британия, Канада, Ҳинд ва Австралия шевалари инглиз тилининг энг асосий шеваларидир. Охирги 50 йил давомида инглиз тили халқаро тил сифатида қўлланиб келинмоқда. Шундай экан, ўз она тилларида сўзлашувчиларга бу тилнинг салбий таъсири бўлмайди. Аксинча, улар бир-бирларини бойитадилар.

Инглиз тили фақатгина дунёга чиқувчи эшикларни очувчи калитгина эмас, балки онгимизни янги, илғор ғоялар билан бойитувчи қурол ҳам бўла олади.

Жамила МАҲМУДОВА

"ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ"

Инсоният пайдо бўлибдики, ижтимоий муҳит истеъдодларни тарбиялаб, вояга етказади. Ҳар соҳадан етишиб чиққан уйғоқ қалб соҳиблари боис, уларнинг эзгу саъй-ҳаракатлари, фаолиятлари сабаб Ҳаёт аталмиш бўстон серфайздир. Кўп йиллардан буён мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларида самарали меҳнат қилиб келаётган таниқли ҳуқуқшунос, олим Нормейли Норпўлатов ана шундай инсонлар сирасига киради.

Олис Сурхондарёнинг Шеробод туманида таваллуд топган Н.Норпўлатов ўрта мактабни тугатиб, Термиз шаҳар 6-қурилиш-монтаж бошқармасида электр созловчи, "Райсельхозтехника" корхонасида ишчи, 23-автокорхонада чиланғар бўлиб ишлади. Турли касб эгалари билан ҳамнафас ўтган йиллар Нормейлининг қалбида ўқишга, изланишга меҳр уйғотди. У 1968 йили Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) талабаси бўлди. Сабоқдошлари орасида ўзининг тиришқоқлиги билан ажралиб турғувчи бу билимга чанқоқ йигит дорилфунунни тамомлаб, бир муддат шу ерда ўқитувчилик қилди. Кейинчалик ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятини Денов тумани прокуратурасида иш ўрганувчиликдан бошлаган Нормейли Норпўлатов турли туман, шаҳар, Жиззах ва Сурхондарё вилоят прокурорлиги-ю, Ўзбекистон Республикаси Прокуроринин биринчи ўринбосари лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. У қаерда ишламасин, ўзининг талабчанлиги, ҳамкасбларига нисбатан меҳрибонлиги, адолат устуворлиги йўлидаги қатъиятлилиги билан ажралиб турди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори вазифаларида ишлаган кезлари хусусида ҳам ана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

Нормейли Норпўлатовнинг истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий-

Қутлуғ кун

сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, айниқса, эътирофга лойиқ. У 1994-96 йиллар Сурхондарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари сифатида Ватанимиз жанубида турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий юксалишлар ясашда ўз ҳиссасини қўшди. 1996 йилдан Ўзбекистон Республикаси Адлия тизимида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган Нормейли Норпўлатов айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Юристлар малакасини ошириш Марказига раҳбарлик қилмоқда. Фаолиятига амалиёт ва назарияни бирдек уйғун ҳолда татбиқ этган тажрибали ҳуқуқшунос яқинда юридик фанлари номзодлиги илмий ишини муваффақиятли ёқлади.

Қалбида Ватан ва миллат туйғуси жўш урган таниқли ҳуқуқшунос олим бугун 50 баҳорни қаршилабди. 50 йил югурик вақт олдида бир дамлик лаҳза, холос. Ҳамма гап — шу фурсат мобайнида қилинган меҳнат, қолдирилган нурли изда! Бу борада Нормейли Норпўлатов ҳар қанча фахрифтихор туйса арзийди. У кишининг ярим асрлик ибратли ҳаёт йўли шундай ишонч ҳуқуқини беради.

Нормейли аканинг фахрли довон - 50 йиллиқни забт этган кунлари, бу инсоннинг дўст-биродарлари, ҳамкасблари, устоз-у шогирдлари, фарзандлари қуршовида бўлишига аминмиз. Шу даврада биз ҳам фахр билан сафда бўламиз. Бунинг боиси Нормейли ака сиз севган "Инсон ва қонун"нинг таҳрир ҳайъати таркибида борликлари, аниқроғи, шундай инсоннинг сафимизда борлигидадир. Доимо бор бўлинг, ҳали Сизга айтар сўзларимиз кўп, Нормейли ака!

Бирлашган таҳририят

(Боши 1-бетда)

- "Шакарқамиш" ширкат хўжалигига расман Абдуҳолиқ Қосимов раҳбар бўлса ҳам, аслида бошқарув жиловини тафтиш комиссиясининг раиси Тоштемир Маматов қўлга олган, - дейилади Бирлашган таҳририятимиз номига ўттиз саккиз киши имзо чекиб ёзган шикоят хатида. - Хўжалик бошқаруви раиси А.Қосимов негадир Т.Маматовдан чўчийди. Ҳамиша унинг йўл-йўриғи билан иш тутади. Т.Маматов жамоа хўжалиги мулкини талон-тарож қилиш, ерларни вақтинча тасарруф қилиш учун хўжаликка алоқаси бўлган ва бўлмаган одамларга пуллашни доимий одатга айлантириб олган. Масалан, бир пайтлар хорижий валюта эвазига Германиядан келтирилган қурилма, яъни зангламайдиган металлдан ясалган нарсаларни уйига олиб кетган. Бундан ташқари, 1982 йилда қурилган насос станциясининг 1000 метр узунликдаги қувурини кесдириб, тўрт-беш метрли бўлакларга бўлиб, уларнинг ҳар бир бўлагини ўн минг сўмдан сотиб юборган эмиш. Шикоят хатида ёзилишича, хўжаликка қарашли икки дона (ҳар бири ўн тонналик сиғимга эга бўлган) цистернани ва зангламайдиган металлдан ясалган узум сўриларидан 140 метрини (ҳар беш метрининг қиймати 230 АҚШ доллари) ўз уйига олиб келган.

Узумзорларнинг қатор ораларига ишлов берадиган болгар тракторини хўжаликка қарашли техникалар рўйхатидан ўчириб, акаси Ҳайитмурод Маматовнинг уйига олиб бориб қўйган эмиш.

"Еб кетди - ичиб кетди" можаролари аксарият хўжаликларга тааллуқли муаммо, албатта. Нафсиламбирини айтганда, хўжаликларда иш ҳақларининг вақтида тўланмаслиги, ички ва ташқи қарздорлик даражасининг ҳаддан зиёд ошиб кетишининг бош сабаби бу хўжасизлик, талон-тарожлик, интизомсизлик. Ҳолбуки, этини суяккача кемириб, давлат ва жамоат мулкини ўлжага айлантириб, хомталаш қилаётган раҳбарлар аксарият ҳолларда ўзи раҳбарлик қилаётган хўжаликларни банкротлик ёқасига олиб келиб, санацияга тушириб, бошқа "бундайроқ" лавозимларга ўтиб кетишаяпти. Бунинг жабрини эса давлат ва шу ҳудудда яшовчи оддий халқ тортаётир. Туманнинг эгалари, айниқса, прокуратура, назорат органлари ҳанузгача бу масалани ўрганганлари йўқ.

***

Мухбир изоҳи: биз узундан-узоқ шикоятномадаги фактларни, ундаги ҳар бир жумлани батафсил ўрганиш учун анча изландик. Бир нарсага яққол амин бўлдикки, хўжаликнинг тайинли эгаси йўқ. Ҳатто бир неча марта оддий ишчиларга иш ҳақи ҳисобига биринчи навли тайёр буханка нон нархида ун тарқатилган. Хўжжатларда эса "буханка нон тарқатилди" дея кўзбўямачилик қилинган. Гўёки одамларнинг ўзи ўшанга рози бўлиб, "менга қолиб кетган иш ҳақларим ўрнига ҳисоблаб, буханка нонлар беришингизни илтимос қиламан" деб ариза ёзган эмиш. Мазкур чалкаш масалани бизга раис ҳам, бош ҳисобчи-ю, иқтисодчи ҳам тушунтириб бериша олмади. Нуқул: "Энди хатолик бўлиб туради-да, биздан бирон-бир хатолик ўтган бўлса тузатайлик, хизмат-пизмат бўлса, тортинмай айтаверинг" каби алмойи-алжойи гапларни такрорлашади.

Тафтиш комиссияси Тоштемир Маматов эса хўжалик раиси ўрнида "фалончига уни бериб юборинг, буни бериб юборинг" дея хўжаликдаги бир неча масъул шахслар "салом хат"лару "илтимоснома"лар ёзиб берганлигини кўриб ҳайратдан ёқа ушлади. Оддий кишиларнинг бу одам ҳақида айтган гапларида жон борлигига ишондик. Ахир, тирикчилик важидан, зарурат туфайли бўлса ҳам бундай "ёзув"ларни хўжалик раиси қилиши мумкин-ку. Тафтиш комиссияси раисининг вазифаси ўзи нималардан иборат?

Олтинсой тумани "Шакарқамиш" ширкат хўжалигидан кўнглимиз хижил бўлиб қайтдик. Юқорида тилга олинган шикоят-ариза ўнлаб идоралар номига ёзилган. Уларнинг аксарияти ижарачи-боғбонларнинг талабларини ҳақли деб топгану масала ёпиқлигича қолаверган. Масалан, Олтинсой тумани маҳсулотларни тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси туман ҳокимлиги, хўжалик бошқаруви раиси ҳамда шикоят муаммоларига жавоб тариқасида юборган маълумотнома (10 феврал 2000 йил)да, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг 882-сонли (2 июн 2000 йил) жавоб хатида ҳам, шунингдек, вилоят қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан ўтказилган текширувлар натижасида ҳам шикоятчи ижарачиларнинг талаблари асосли деб топилган.

Жумладан, адлия бошқармаси бошлиғи Ч.Аллаёров имзоси билан юборилган жавоб хатидан (02.06.2000 й №882) қуйидаги бандларни келтириб ўтиш ўринлидир:

"...Ўзбекистон Республикаси "Ширкат тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддаси талабига кўра, фермер хўжалиги юритиш учун узоқ муддатли ижарага ер бериш масаласини жамоа хўжалигининг умумий йиғилиши ҳал қилади. Бироқ сизларга 10 йил муддатга ер бериш тўғрисидаги қарорни жамоа хўжалиги бошқаруви қабул қилган...

Юқоридагиларга асосан бошқарув йиғилишининг мазкур қарори ноқонуний бўлиб, ушбу қарорни бекор қилиш ва сизларнинг 10 йил муддатга ер ажратиб бериш ҳақидаги аризаларингизни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли Қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатга ижарага бериш" тартибининг 13-банди талабига асосан қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиб олиш тугаган пайтда амалга ошириш, шунингдек, аризаларингизни ўз вақтида умумий йиғилиш муҳокамасига киритмаганлиги учун бошқарув раисини интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини кўриб чиқиш учун (02.06.2000 й) Олтинсой туман ҳокимига тақдимнома киритди".

Ана энди мулоҳаза қилиб, хулоса чиқариб олаверинг. Адлия бошқармаси ижарачиларнинг ҳақли талабини қондирмай, саргардон қилганлиги учун хўжалик бошқаруви раиси А.Қосимовни интизомий жавобгарликка тортиш учун Олтинсой тумани ҳокимига тақдимнома киритаяпти. Ҳоким бўлса, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, камида ўн йилга токзорларни ижарага олмоқчи бўлаётган боғбонларнинг бойиб, "семириб" кетишидан чўчиб, уларнинг йўлига тоғ ошкор, тоғ пинҳон тўғаноқ бўлаяпти.

"Шакарқамиш" ширкат хўжалигида иккинчи марта бўлганимизда бир неча фуқаро вақтинча фойдаланиш мақсадида ер олиш учун тафтиш комиссияси раиси Тоштемир Маматовга кўп миқдорда нақд пул бериб, панд ейишганлиги ҳақида ёзма шикоят қилишди. Шу ўринда биз ўзлари аввал ревком раисига пора бериб, сўнгра шикоят ёзган одамларни ҳам оқламаймиз. Қолаверса, порахўрликка, иқтисодий жиноятчиликка қарши курашадиган махсус идоралар бор. Шу боис биз кимнидир "порахўр" ёхуд "жиноятчи" деб аташга шошилмаймиз ҳам. Фақат... Одамни ҳайрону лол қолдирадиган жиҳат шуки, мевалари қанду асалга лиммо-лим тўлиб, ғарқ пишган жаннатмонанд бир масканнинг ҳавас қилса арзигулик эгалари йўқ экан!..

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
"Инсон ва қонун"нинг
махсус мухбири

Мухбиримиз бонг уради

ИЖАРАЧИЛАР ДОҒДА ҚОЛИШДИ

ёки тадбиркорликка, янгиликка олтинсойчасига муносабат

Сиз қонунни биласизми?

Келажакда ҳуқуқий демократик жамиятимизнинг мустаҳкамлиги, ёшларимизнинг ҳуқуқий билим савияси қай даражадалигига боғлиқ. Буни яхши англаган Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги коллежининг "Ҳуқуқ асослари" фани ўқитувчиси Юсуф Боймуродов ҳар бир дарсга масъулият билан ёндошади.

Суратда: машғулот пайти.

"Адолат"нинг янги нашри

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҲАҚИДА КИТОБ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг "Адолат" нашриёти мустақил давлатимиз тарихида биринчи бор "Давлат мукофотлари" тўпламини алоҳида китоб тарзида нашрдан чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимиз тараққиёти учун олиб бориладиган ишларда алоҳида ўрнак кўрсатган шахсларни тақдирлаш учун ўз мукофотларини, орденлари, медаллари ва фахрий унвонларини таъсис этди. Улар билан минглаб ўзбекистонликлар тақдирландилар. Муносиб одамлар бу мукофотлар соҳиби бўлишади, бўлишмоқда.

Китобда Ўзбекистон Республикасининг мукофотлари рангли тасвирларда берилиб, уларга оид қонун ва имтиёзлар батафсил баён қилинган. Табиийки, улар кўпчиликни қизиқтиради. Давлат рағбати оддий ҳодиса эмаслигини ўқувчи англаб етади. Шу боисдан китоб барча давлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, корхоналар раҳбарлари ва мутахассислари, илмий ходимлар, олий ва ўрта ўқув юртлари, юридик институт ва коллежларнинг ўқитувчи ҳамда талабалари, фуқароларга давлат мукофотлари ҳақида тушунча бериш учун кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тўпламни чекланмаган миқдорда Адлия вазирлигининг "Адолат" нашриётидан нақд пулга ёки пул ўтказиш орқали, шунингдек, китоб дўконлари ва матбуот тарқатиш нуқталаридан харид қилиш мумкин.

Нашриёт манзили:
Тошкент-700047, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Тел: 133-57-23

Бирлашган таҳририят

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда "Инсон ва қонун" Бирлашган таҳририяти жамоаси вазирлик бошқармаси Бош маслаҳатчиси Аъзам Мақсудовга онаси

МУБОРАК АЯнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик, чуқур таъзия билдиради.

Лаҳза

БУ ХИЛҚАТ МУҚАДДАС САЖДАГОҲИМИЗ

Шафақрў шафтоли гулидан хушрўй,
андалиб навоси — тилидан хушрўй,
назмгўй хоманинг йўлидан хушрўй
хилқат бор -
Бир азиз. Би-ир азиз...

Замбурнинг заҳира ганжидан ширин,
аразкаш сулувнинг ранжидан ширин,
гўдакнинг "инга"син авжидан ширин
хилқат бор -
Бир азиз. Би-ир азиз...

Капалак қаноти патидан майин,
оҳунинг, олқорнинг сутидан майин,
чоҳда чоғ кабутар хатидан майин
хилқат бор -
Бир азиз. Би-ир азиз.

Илк розни рад қилган қўшни қизидай,
кўнгилни кўтарган фолбин сўзидай,
дабдуруст очилган басир кўзидай
хилқат бор -
Бир азиз. Би-ир азиз...

Беминнат яширган бор гуноҳимиз -
Бу хилқат — муқаддас САЖДАГОҲИМИЗ.

* * *

Ҳақирдан ҳол сўраб қўйгин
дарду дилинг очаринг бор,
Гоҳи яёв юриб қўйгин,
қайдам... отдан тушаринг бор.
Мол - омонат, жон - омонат
давр ҳам, даврон омонат.
Мозорларга бориб қўйгин,
бир кун тупроқ қучаринг бор.

* * *

"Бу ҳуснинг завқи-шавқини кўнгил тўтилари топди
На топди, топди хуш лаззат, на лаззат, лаззати шаккар".
Сайфи САРОЙИ

Кезиб боғу чаман аро, истадим бир гулираъно
На раъно, раъноӣ анбар, на анбар, анбари аъло.

Боғу бўстон — булбулистон, битай бўйига бир достон,
На достон, достони хушрўй, на хушрўй, хушрў - пурмаъно.

Чаман аҳлила базм этсам, гулим васлиға жазм этсам,
На этсам этсаму кетсам, на кетсам, кетсам-ей, барҳо.

Аро йўлда қолдирма Ҳақ, ўлдурма бевосил бевақт,
На бевақт, бевақтки бахт, на бахтки бахтим ул барно.

Истадим хаёлим толмиш, хушимни хур-пари олмиш,
На олмиш, олмиш, ул, кавкаб, на кавкаб, кавкаби Зуҳро.

Бир малакки, муғбаи тар, мушки банг айламиш абгор,
На абгор, абгори Мажнун, на мажнун, мажнуни гумроҳ.

Гулираъно-ла маст ўлдим, кўйида гулпараст ўлдим,
На бўлсам бўлдим-ей, бир ҳол, на бир ҳол, Ҳол сиза ҳамроҳ.

* * *

Жар лабида турган одамга
асло қўлинг узата кўрма,
Ташвиш чекиб тушмагин ғамга,
Ҳақ ҳукмини тузата кўрма.

Беш кун эмас, бу дунё бир кун
Ўзни ўтга, чўққа урмасин.
Фаҳм қилсин, қарасин, ҳар ким
Токи, жар лабига бормасин.

Ҳол Муҳаммад ҲАСАН

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-546 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00

Навбатчи:
Р. САИДОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
М. БЕРЕЗИКОВ
Компьютерда матн терувчи:
З. ШЕРМАТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси
Тел: 133-24-[illegible]
132-14[illegible]
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.